

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 1(575.1)

МУХТАРОВ АЗАМАТ

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАКОМИЛИДА ЭҲТИЁЖ ВА
МАНФААТЛАР БИРЛИГИ**

09.00.11 - Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ - 2011

Диссертация, Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Фалсафа» кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи - фалсафа фанлари доктори, профессор
Саифназаров Исмоил

Расмий оппонентлар - фалсафа фанлари доктори, профессор
Назаров Қиём Нормирзаевич

- фалсафа фанлари доктори, профессор
Ҳакимов Назар Ҳакимович

- фалсафа фанлари доктори, профессор
Абилов Ўрал Муродович

Етакчи ташкилот - Алишер Навоий номидаги Самарқанд
давлат университети

Ҳимоя 2011 йил декабр ойининг «29» куни соат 14-00 да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, 100174, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Маданият саройи, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, 100174, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 16-уй.

Автореферат 2011 йил « » _____ да тарқатилди.

Авторефератга ёзилган тақриزلарингизни тамғали муҳр билан тасдиқланган ҳолда Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котибига (Тошкент шаҳри, 100174, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ Фалсафа факультети 319-хона) юборишингизни сўраймиз.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, фалсафа фанлари
доктори, профессор**

Д.НОРҚУЛОВ

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий, сиёсий ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз берди, халқимиз табиати ва дунёқарашига ёт бўлган мустабидлик мафкураси барҳам топди.

Муайян шахс, миллат ва халқнинг ҳаётий эҳтиёжлари нафақат иқтисодий омилларда, балки маънавий-руҳий, мафкуравий омилларда ҳам ўз ифодасини топади. «Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади»¹. Ана шу жараённинг ўта долзарблигини ҳисобга олиб, Юртбошимиз И.А.Каримов жамият ҳаётида миллий ғоя ва мафкура зарур эканлигини, мафкура бўлмаса одам, жамият давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррарлигини² ҳам назарий ҳам амалий жихатдан асослаб берди.

Содда қилиб айтганда, - деб таъкидлаган эди И.Каримов «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавобларида - жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим³.

Ана шу манфаатлар уйғунлиги ва кишилар ҳаётий эҳтиёжларида миллий ғоя ҳамда мафкуранинг устуворлигини ҳисобга олиб, 2001 йилнинг 18 январида Юртбошимизнинг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди.

Фармойиш таълимнинг барча бўғинларида миллий ғоя ва мафкуранинг ҳаётбахш тамойилларини ёшларимиз онги ва қалбига сингдиришда ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Ниҳоят, 2006 йил 25 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ 451-сонли Қарори ушбу соҳада рўёбга чиқарилаётган ишларнинг амалий самарасини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Қарорда қайд этилганидек, «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод онги ва қалбига она юртга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда»⁴.

Ана шу жиддий, ўта долзарб муаммо ечимини кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжи ва манфаатлари билан уйғун ҳолда олиб қараш асосидагина топиш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 71.

² Баркамол авлод орзуси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. –Б. 32.

³ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -7-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 91.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи, 2006 йил 26 август.

мумкин. «Биз, - деган эди И.Каримов, - миллий ғоя ва мафқурани мазмун моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, мафқуранинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим»¹.

Юқоридаги концептуал ғояларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот мавзусининг долзарблигини қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, мустақилликнинг назарий асоси жамият ҳаётини янгилашнинг табиий эҳтиёжи сифатида вужудга келган миллий ғоя ва мафқурани такомиллаштириш заруриятини асослаш ва Президентимиз И.А.Каримовнинг «ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар»² деган концептуал фикрларини илмий далиллаш ва таҳлил этиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Иккинчидан, миллий истиқлол мафқураси концепциясини амалга оширишда унинг аниқ режа, аниқ мақсадини белгилаб олиш лозим. Миллий ғоя ва мафқурани инсон онги ва қалбига етказиш мақсадида уни оддийликдан мураккабликка қараб борадиган меъёрда ёритиш, босқичма-босқич ифодалаш муҳим долзарб масалага айланди.

Учинчидан, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий кадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш³ жараёнларини назарда тутмоқ лозим. Мазкур ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, ғоя ва мафкуралар шаклланишининг ижтимоий-тарихий, диний, ахлоқий негизлари, маънавий-маърифий омиллари билан манфаат ва эҳтиёжларнинг ўзаро алоқадорлигини тақозо этади.

Тўртинчидан, миллий ғоя тақомилида оқилона эҳтиёж ва манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги, шахс, миллат, жамият ҳамда давлат манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда маънавий мерос ва ворисийликнинг моҳияти мазмунан чуқур ўрганишни вазифа қилиб қўймоқда.

Бешинчидан, жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган ислоҳлар тизими ҳамда унинг муҳим бўғини бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий моделининг узлуксиз таълим тизими ва турларидаги ислохотларини амалга оширишда мафкуравий жараёнлар ҳамда уларнинг манфаат ва эҳтиёжлар билан нечоғлиқ боғлиқ жиҳатларини ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасига айланди. Зеро, миллий ғоя тақомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлигини

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б. 28.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –Б. 5-6.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2006 йил, 26 август.

мамлакатни модернизациялаш жараёнида, демократик ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ижтимоий фалсафада етарлича ўрганилмасдан келинмоқда.

Олтинчидан, ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш жараёнида ғоя, мафкура ҳамда манфаатлар билан уйғунлиги, комил инсон, баркамол авлод, шахс камолотида маҳалла муҳити, оила маънавияти, эҳтиёж ва манфаатлар диалектикасини очиб бериш зарурияти юзага келди.

Еттинчидан, дунёда, халқаро майдонда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни, асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарт ва мезони бўлиши»¹ каби масалалар ечимининг энг мақбул йўллари тадқиқ этиш ҳам ана шу долзарб функциялардандир. Бу мавзуга доир хулоса, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжнинг сақланиб қолаётганлиги ҳам мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий ғоя ҳам аслида шу»².

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлининг шонли 20 йиллигига қадам қўйган тарихий бурилиш палласида миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиши, уни халқимиз онги-шуурига сингдириш, кишиларимиз қалбига муҳрлашдек муқаддас вазифани амалга ошириш илмий, концептуал ғояларининг янгича асосларини кўриб чиқишни кун тартибига қўйди.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини яратиш ва унинг инсонпарварлик ғояларини ҳаётга жорий этишни биринчи бўлиб, долзарб масала сифатида кун тартибига қўйиш ва уни амалга ошириш йўл-йўриқларини илмий-назарий асослаб бериш Президент Ислам Каримов номи ва амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ³.

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б. 8-9.

² Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 76.

³ Каранг. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -1-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 364; Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 380; Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 366; Бунёдкорлик йўлидан. -4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 349; Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. -5-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 384; Хафсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -6-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 429; Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. -7-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 410; Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -7-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999.; Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б. 528; «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзилган сўз боши. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. –Б. 80; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 февралдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2001 йил 19 январь ва ҳ.к.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг назарий томонларини, унинг миллий менталитетимиз билан боғлиқ жиҳатларини ёритишда А.Иброҳимов, Х.Султонов, А.Валиев, М.М.Хайруллаев, Ж.Туленов, Э.Юсупов, З.Ғафуров, С.Шермухаммедов, С.Мамашокиров, Н.Жўраев, У.М.Абилов, Б.Жўраев, Х.Алиқулов, А.Исмоилов, Ш.Эргашев, К.Хоназаров, И.Саифназаров, А.Очилдиев, Д.Норқулов, И.Эргашев, М.Қирғизбоев, С.М.Абдуғаниева каби олимларнинг ишлари алоҳида ўрин тутди¹.

Шу билан бир қаторда Қ.Назаров, А.Очилдиев, А.Чориев, Х.Ҳайдаров, Ф.Абдурахмонов, Ғ.Маҳмудова, А.Юнусов каби олимларнинг асарлари, диссертация ва тадқиқотларида мафкуравий муаммолар, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, мустақиллик ғоя ва мафкурасини яратиш борасида концептуал назарий фикрлари мавжуд².

Жумладан, Қ.Назаров тадқиқотларида миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишида қадриятлар тизими, унинг миллий манфаатлар билан алоқадорлиги масаласига асосий эътибор қаратилган бўлса, А.Чориев қарашларида манфаат ва эҳтиёж диалектикасини инсон феномени орқали ёритишга, уни миллий ғоя ва мафкура билан боғлиқлиги ҳамда ўзаро таъсирини нисбатан асослашга уринган. А.Юнусов изланишларида эса, турмуш тарзи унинг жамиятдаги етилган ижтимоий эҳтиёжлар даражаси асосида ўзгариб боришининг миллий хусусиятлари таҳлил этилган.

К.Аҳмедов ишларида миллий манфаатлар категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётидаги ифодаси масалалари тадқиқот марказига қўйилган. Тадқиқотчи Б.М.Очилова томонидан ғоя, мақсад ва манфаатларнинг шаклланишида эътиқод ва ихлос бирлиги, манфаатлар тизимида ихлос ва ихлосмандликнинг ўзаро боғлиқлиги муаммолари ўрганилган³. Худди шунингдек, Республикамиз жамиятшунос олимларининг аксарияти миллий истиқлол ғояси, мафкуравий жараёнларга дахлдор бошқа муаммолар хусусида қатор изланишлар олиб борганлар, аммо, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришда эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги масаласи яхлит тарзда олиб ўрганилган бирон-бир фундаментал изланиш деярли, ҳозирча кўзга ташланганича йўқ.

Илмий таҳлиллар шундан далолат берадики, бугунги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан миллий истиқлол ғояси ва мафкураси билан боғлиқ муаммолар устида кўпгина жиддий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, турли китоб, рисола ҳамда мақолалар чоп этилмоқда. Лекин Ўзбекистонда очиқ, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда миллий ғоя такомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги билан

¹ Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 396. Жўраев Н.К. Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар. Сиёсий эссе. –Тошкент: Ёзувчи, 1998. –Б. 272. Валиев А. Миллий ғоя ва миллий мафкура. Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Тошкент: Фан, 2000. –Б. 272 ва ҳ.к.

² Назаров К.Х. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксеология муаммолари) фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияси. –Тошкент: 1996. Чориев А. Инсон фалсафаси II-чи китоб. Мустақил шахс. –Тошкент: Чинор, ENK, 2002.

³ Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. (монография); Очилова Б. Ихлос ва манфаатлар тизими // Жамият ва бошқарув, 2003, №4, –Б. 41-42, Очилова Б. Ихлос ва мафкуравий иммунитет // Мулоқот, №4 –Б. 44-46.

боғлиқ бўлган ижтимоий фалсафада тўлиқ тадқиқ этилгани йўқ. Яъни, бу борада, айниқса, миллий ғоя ва мафкуранинг амал қилиш тамойиллари, унинг бошқа ижтимоий масалалар билан боғлиқлиги менталитетимизнинг теран томирлари билан туташ жиҳатлари ҳали тўлиқ ва атрофлича ўрганилмаган. Шунинг учун тадқиқотда миллий ғоя такомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлигини ўрганиш назарда тутилди. Хусусан, ижтимоий эҳтиёж, манфаатларнинг миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиш жараёнига таъсири масаласи юзасидан ҳам кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақозо этади. Тўғри, кейинги йилларда бу борада республикамиз олимлари бир қатор изланишлар олиб бордилар¹.

Аммо бу изланишларда манфаат ва эҳтиёж ва унинг шаклланиш хусусиятлари, миллий манфаатни юзага чиқиш омилларини ўрганишга кўпроқ эътибор берилиб, унинг миллий истиқлол ғояси ҳамда мафкураси шаклланишига таъсири масалалари деярли тадқиқ этилмаган.

Шунингдек, ижтимоий муносабатлар тизимида ғоя ва мафкуранинг эҳтиёж, манфаатлар билан алоқадорлиги, миллий ғоя такомилида эҳтиёжни шакллантириш муаммолари, эркин шахс тарбияси ва комил инсон ғоясининг юзага чиқишида оқилона эҳтиёж ҳамда манфаатларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари ҳам чуқур илмий таҳлил этилишни тақозо этади.

Тадқиқотда мана шу заруриятни англаган ҳолда ижтимоий эҳтиёж ва манфаатни нафақат соф фалсафий категория, ўз навбатида, у кишиларнинг ҳаётий манфаатлари билан дахлдор иқтисодий категория сифатида ҳам қаралиб, унинг жамият сиёсий ҳаётининг муҳим томонини ташкил этган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришдаги асосий омил эканлиги илмий жиҳатдан ўрганилган. Ана шу мақсадда, диссертацияда хорижий олимлар, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мазкур соҳа юзасидан мутахассислари қарашлари таҳлил этилган². Қиёсий жиҳатдан ижтимоий амалиётдаги жараёнларга солиштириб, эҳтиёж ва манфаатларнинг миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантиришдаги ўрни, роли ҳамда аҳамияти хусусида илмий назарий хулосалар чиқарилган.

Шунингдек, баркамол инсон дунёқарашини шакллантиришда Шарқ мутафаккирлари, хусусан, Марказий осийлик буюк алломаларнинг бунёдкор, яратувчи ғояларининг ўрни катта эканлигини эътиборга олиниб, Ал-Ғаззолий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Рудакий, Жомий, Навоий, Кошифийларнинг адолат, ҳалоллик, комил инсон тарбияси ҳақидаги

¹ Абдурахмонов Ф.Р. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик шароитида: миллий-ижтимоий манфаатлар, муаммоларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. –Тошкент: 1995; Қосимов И. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида эҳтиёж ва манфаатларни шакллантириш муаммолари. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси автореферати. –Тошкент: 1999; Толипов Ф.Ф. Формирование концепции национального интереса республики Узбекистана в контексте глобального политического развития. Автореф. дисс. канд. филос. наук. –Тошкент: 1997.

² Чарльз Хартон Кули. Человеческая природа и социальный порядок. –М., 2000. Дом. Интеллектуальной книг. Идея Пресса. М., 2000.; Энциклопедический словарь. –М.: Санкт-Петербург, 1994.; Здромислов А.Г. Потребности, интересы, ценности. –М.: Политиздат, 1986.; Бедин М.Ф. Бытие человека, деятельность и смысл. Рига, 1987.

таълимотлари ҳам таҳлил этилиб, унинг шахс, миллат манфаати ва эҳтиёжлари билан уйғунлик хусусиятлари ўрганилган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодий университетининг “Фалсафа” кафедрасининг “Миллий истиқлол ғояси ва тараққиёт” номли комплекс илмий тадқиқот режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ижтимоий эҳтиёж, манфаатлар миллий ғоя ва мафкуранинг ўзига хос шаклланиш жараёнлари, унинг асосидаги назарий-концептуал ғоялар, умумэътироф этилган демократик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳаётга жорий этиш диссертациянинг асосий мақсадини ташкил этади. Шунингдек, соғлом, маънавий бой, комил инсонни, баркамол авлодни тарбиялашда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг нечоғли зарур эканлигини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳам унинг мақсадларидан биридир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертацияда қуйидаги асосий вазифалар белгиланган:

- ижтимоий муносабатлар тизимида ғоя ва мафкураларнинг эҳтиёж ҳамда манфаатлар билан бевосита алоқадорлигини аниқлаш;
- ғоя ва мафкуралар шаклланишининг иқтисодий генезиси, унинг ижтимоий эҳтиёж, манфаатлар билан ўзаро уйғунлигини фалсафий таҳлил этиш;
- эҳтиёж, манфаатлар юзага чиқишининг миллий хусусиятлари, унинг мафкуравий тамойилларини такомиллаштиришдаги ўрнини илмий ва назарий асослаш;
- миллий ғоя ва мафкура такомилида оқилона эҳтиёж, манфаатларни шакллантириш омилларини кўрсатиб бериш;
- ўсиб бораётган маданий, маънавий, илмий-маърифий эҳтиёжларнинг миллий манфаат билан вобасталигини асослаш;
- комил инсон ғоясининг намоён бўлишида оқилона эҳтиёж ҳамда манфаатларнинг ўзаро алоқадорлигини очиқ бериш;
- манфаатлар тизимида – тарбия, ғоя ва мафкуранинг ўзаро таъсирини илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, тегишли илмий ечимлар ва хулосаларга эга бўлиш;
- миллий, минтақавий, умуминсоний қадриятларнинг ғоя, мафкуравий эҳтиёж ҳамда манфаатлар билан алоқадорлигини тадқиқ этиш;
- миллий истиқлол ғояси, мафкураси эҳтиёж ҳамда манфаатларни шакллантиришнинг маънавий омилларини илмий изланишлар асосида ёритиб бериш;
- жамиятнинг янгиланаётган даврида шахсий эҳтиёж ва манфаатларни ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар билан уйғунлаша боришининг заруриятини кўрсатиш ва шу асосда айрим таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш;
- мустакиллик мафкурасини яратишда ижтимоий эҳтиёж ва манфаатларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини алоҳида эътиборга олиш, унга доир муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш орқали хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Миллий ғоя ва мафкура билан шахс, жамият, давлат эҳтиёж ва манфаатларининг ўзаро уйғунлиги, ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитлари тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Миллий ғоянинг такомиллашувида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги, мақсади, ўзига хос йўналишлари, уни амалга ошириш субъектлари, тегишли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий институтлар ва муассасалар фаолиятидаги, онг ва тафаккурдаги янгиланишлар, миллий тараққиёт концепцияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолияти билан ўзаро алоқадорлик диссертациянинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методлари. Диссертацияда диалектик таҳлил, кузатиш, илмий билишлик, тарихийлик, мантиқийлик, объективлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, ворисийлик, умумлаштириш каби усуллари таянилган.

Тадқиқот гипотезаси. Баркамол авлод такомилида ғоя, мақсад, эҳтиёж ва манфаатлар ижтимоий-тарихий генезиси комил инсон фаолияти мезони сифатида қайд этилади. Шунингдек, шахс тарбияси ривожда жамият ижтимоий ҳаёти, миллий умуминсоний қадриятлар, оила маънавияти, иймон-эътиқод, диёнат, ахлоқий, инсоний фазилатлар таълим ислохотларининг ҳаётий эҳтиёжи, манфаатларининг бош омилини ташкил қилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- миллий ғоя ва мафкуранинг назарий концептуал асосларини янгича талқин қилиш;

- инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари ва маънавий юксалиши¹ миллий ғоя ва мафкура билан боғлиқлигини миллий-давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат негизида қараб чиқиш;

- миллий ғоя ва мафкура билан эҳтиёжнинг ўзаро алоқадорлигини, моддий ва маънавий эҳтиёж категориясининг мантиқий алоқадорлик талқини, унга берилган таърифлар таснифини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда унга диссертантнинг берган таърифи;

- ғоя ва мафкуралар шаклланишининг ижтимоий-тарихий генезиси, унинг иқтисодий манфаатлар билан боғлиқ эканлиги;

- эҳтиёж ва манфаатларнинг шахс, миллат, давлат ҳамда жамият ҳаётига, ғоявий-мафкуравий жараёнларга ўзаро таъсири, боғлиқлиги, мақсад-манфаат йўлида миллий ғоя ва мафкура халқни байроқ сифатида бирлаштира олиши асосий омил эканлиги;

- эҳтиёж, манфаатлар юзага чиқишининг миллий менталитет, ўзига хос хусусиятлари ҳамда шахс, жамият, давлат амалий фаолиятининг жамият мафкураси билан муштараклиги тамойиллари;

- шахс, жамият, давлат ижтимоий тафаккури, эҳтиёжи, миллий мафкуравий манфаатлар негизида кечадиган одатий ва қонуний жараён эканлиги;

- субъектив характерга эга бўлган миллий давлат манфаатларининг шаклланиш мезони, параметрлари ва даражаларининг миллат турмуш тарзига таъсир этувчи омил эканлиги;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.156.

- миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимида ғоя ва мафкуранинг эҳтиёж, манфаатлар тизимидаги ўзаро мутаносиблиги;
- маҳалла муҳити, оила маънавиятида эҳтиёж манфаат ва мафкуранинг ўзаро алоқадорлиги;
- инсоний фазилатларнинг камол топишида миллий ғоя билан ижтимоий эҳтиёж ҳамда манфаатларнинг ўзаро алоқадорлик диалектикаси кабилардир.

Ишнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- анъанавий тадқиқотлардан фарқли ўлароқ ижтимоий эҳтиёж, манфаатлар, ғоя ва мафкура тушунчаларининг маъно-мазмун, умумий ва фарқли жиҳатлари тавсифланиши, унинг шаклланиши билан узвий алоқадорликда таҳлил қилинди;
- ғоя ва мафкуралар шаклланишининг ижтимоий-тарихий генезисининг манфаат ва эҳтиёжлар билан мутаносиблиги ўрганилди;
- мақсад, манфаат ва эҳтиёжларни илмий-назарий ҳамда фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали уларнинг жамиятдаги ғоявий-мафкуравий жараёнларга таъсири миллий хусусиятлари ва мафкуравий тамойиллари очиб берилди;
- мамлакат аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши¹ зарурий объектив жараён негизида таҳлил қилинди;
- миллий манфаатлар тизимида маънавий-маданий мерос ва мафкура бирлиги, диний-ахлоқий меросга ворислик, комил инсон ғоялари шахс, жамият ва давлат ривожланишининг ҳаётий эҳтиёжи сифатида қаралди;
- таълим ислохотлари ҳаётий эҳтиёж ва ундаги мафкуравий жараёнлар, таълим миллий моделини рўёбга чиқариш, шахс тарбиясида эҳтиёж, манфаат миллий ғоя ва мафкура такомилининг бош омили тарзида баён этилди;
- миллий истиқлол мафкурасининг фикрлар хилма-хиллиги шароитида нечоғли амалий ва ҳаётий эҳтиёж эканлиги социологик тадқиқот хулосалари асосида илмий далиллар негизида хулосаланди;
- миллий ва умуминсоний қадриятлар, маҳалла муҳити, оила маънавияти, имон-эътиқод, диёнат, инсоний фазилатлар ғоя, мафкура, эҳтиёж ҳамда манфаатлар алоқадорлиги маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар эканлиги талқин қилинди;
- илмий интеллектуал салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш миллий давлатчилик ғоясини амалга оширишнинг кафолати эканлиги ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди;
- халқимиз манфаатларини том маънода ифода этадиган миллий истиқлол ғоя ва мафкурасини яратиш йўлидаги муаммолар кўрсатилиб, уларни ҳал этиш йўллари ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этиш усуллари ўрганиб чиқилди;
- миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини такомиллаштириш эҳтиёжи ва манфаатлари диний қадриятларни шакллантиришда маънавий омил эканлиги ҳаётий мисоллар асосида чуқур илмий хулосаланди.

¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. -19-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б.45.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг назарий аҳамияти Миллий ғоянинг шахс, миллат, жамият ҳамда давлатнинг ҳаётий манфаатлари билан узвий боғлиқ жиҳатларини тадқиқ қилиш, унинг ҳаётбахш тамойилларини кишилар онг ва қалбига сингдириш бўйича олиб борилаётган миллий ғоя тарғиботи ишларига амалий ва услубий жиҳатдан ҳисса қўшишдан иборат. Шу билан бирга ғоя, манфаат, эҳтиёж категориялари моҳиятини ўзаро алоқадорликда олиб қараш асносида миллий ғояни янгича илмий-назарий асосда такомиллаштириш ҳолатларидан иборат. Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** ундаги таклиф ва тавсиялардан Олий ўқув юртларида бакалаврият, магистратура, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтида «Миллий ғоя» фанини ўқитиш, умумтаълим мактабларида ушбу фан асосларини ўргатиш, академик лицей, касб-хунар коллежлари, айниқса иқтисодиёт йўналишлардаги коллежлар, бизнес мактабларида эҳтиёж ва манфаатлар диалектикасининг умумуслубий асосларини ўрганишда фойдаланилаётганлиги, ўқув дастурлари ишлаб чиқишда, шунингдек, тадқиқот натижаларидан аҳоли орасида миллий ғоя тарғиботини амалга оширишда, жамоат ташкилотлари, «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос» жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг маънавий-маърифий тадбирларини ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган илмий хулосалар, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратура талабаларига «Миллий ғоя» фанидан маъруза ва амалий машғулотларда ҳамда университет профессор-ўқитувчиларининг «Миллий ғоя» тарғиботи юзасидан ўтказиладиган доимий ҳаракатдаги семинар машғулотларида, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида «Миллий ғоя» фанидан машғулотлар олиб боришда эксперимент тарзида диссертация натижалари қўлланилиб, ижобий хулосалар олинган.

Ишнинг натижаси, амалий тавсиялар, якуний хулосалар диссертантнинг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-назарий конференциялардаги маърузаларда ҳам ўз аксини топган.

Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнида, «Фалсафа», «Миллий истиқлол ғояси», «Маданият-шунослик», «Этика», «Мантиқ», «Сиёсатшунослик», «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Фаннинг фалсафий масалалари», «Илмий ижод методологияси» каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг синовдан ўтганлиги даражасини муаллифнинг илмий мақолалари, миллий ғоя, мафкура такомилида эҳтиёж ҳамда манфаатлар бирлигига бағишланган илмий ишланмалар, диссертантнинг яратган ўқув, ўқув-услубий қўлланмаларида ўз аксини топган. Диссертация мавзуси Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгашининг 2001 йил 6 декабрдаги 4-сонли мажлис баённомасида тасдиқланган. Диссертация ТДИУ Фалсафа кафедрасида тайёрланган ва ҳимояга тавсия этилган (2008 йил 9 сентябрь, 3-сонли мажлис баённомаси). ЎзР Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий-назарий семинари (2010 йил 14 октябрда 10-сонли баённомаси)дан ўтган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари диссертантнинг умумий ҳажми 8,4 босма табоқдан иборат монографияси, 15 та журнал, 3 та илмий тўпламда ва 3 та хорижий журналда эълон қилинган, жами 40 та мақоладан иборат материалларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши 290 бет. У «Кириш», тўрт боб, ўн икки параграф, «Хулоса» ва «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, диссертация ишининг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми баён этилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **«ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА ҒОЯ, МАФКУРА ВА ЭХТИЁЖЛАР БИРЛИГИ»**, деб номланган бўлиб, унда «Ғоя ва мафкуралар шаклланишининг ижтимоий-тарихий генезиси, унинг манфаат ва эҳтиёж билан уйғунлигининг илмий-назарий таҳлили» (1.1.), «Мақсад, манфаат ва эҳтиёжларнинг ғоявий-мафкуравий жараёнларга таъсири» (1.2.), «Эҳтиёж, манфаатлар юзага чиқишининг миллий хусусиятлари ва мафкуравий тамойиллари» (1.3.) мавзулари тадқиқ этилган.

Диссертацияда, янги минг йилликда, халқимизнинг тараққиёт йўлида хилма-хил ва мураккаб муаммолар юз кўрсатаётгани, уларнинг мақбул ечимини топиш талаб этилаётгани баён этилган. Бу эса асосан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини яратаётган кишиларга, уларнинг ижтимоий кайфиятига, жамият ҳаётида намоён бўлаётган миллий, ижтимоий ва ҳаттоки индивидуал манфаат ва эҳтиёжларни қай даражада кондирилишига боғлиқ. Зотан, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади»¹. Демак, ҳар қандай ғоя ва мафкура ўз-ўзидан тасодифий пайдо бўлмайди, балки у муайян мақсад, манфаатлар тизими жамиятдаги етилган ижтимоий эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шакли сифатида юзага келади.

Диссертант фикрича, бозор иқтисодиёти шароитида шахсий манфаат ривожланиши, жамоавий ва умумхалқ манфаатларини кондиришнинг ҳал қилувчи омили сифатида намоён бўлади. Ана шу боис шахсий манфаатларнинг

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б. 490.

мазмунини фақат даромад олишдангина иборат, деб ҳисоблаш мумкин эмас, зеро, у ўзининг фаолиятига кўра сезиларли даражада кенгрокдир. Манфаатлар тизимида умумхалқ манфаатлари алоҳида ўрин тутати. Умумхалқ манфаатлари ўзида жамоавий ва шахсий манфаатлар мажмуини акс эттиради.

Тадқиқотда жамият ҳаётининг туб ҳамда муҳим негизларини-табиат, жамият, инсон, иқтисод, мулк, маънавият, меҳнат, давлат, сиёсат, ижтимоий муносабатлар ва ҳоказолар муайян халқ, миллат, ижтимоий гуруҳ манфаатлари нуқтаи назардан келиб чиқиб, фалсафий, сиёсий ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий тарзда ифода этган ғоялар тизими мафкуранинг асосий мазмунини ташкил этиши асослаб берилган.

Диссертацияда инсон маънавияти бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий сифат ва фазилатларининг яхлит тизими сифатида қаралган. Диссертант бу тизимни асосан қуйидагилар билан изоҳлаган:

а) ижтимоий-сиёсий, мафкуравий эътиқодлар билан боғланган маънавият белгилари;

б) ахлоқ, одоб борасида миллий, диний ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги билан белгиланган маънавият белгилари;

в) миллий муносабатлар маданияти ҳамда миллий истиқлол мафкурасига асос бўладиган маънавий фазилатлар.

Манфаат ва эҳтиёж бирлиги ишлаб чиқаришга ҳам, сиёсий жараёнлардаги ғоя ва мафкураларнинг шаклланишига ҳам бевосита таъсир ўтказади.

Шу ўринда диссертант мафкура тушунчасига Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан берилган қуйидаги таърифни келтиради. «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айтилиши вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»¹.

Диссертант фикрича, **Мафкура** – муайян миллат ва халқнинг ҳаётий манфаат ва эҳтиёжлари билан узвий боғланган, асрлар давомида уларнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаоларини ўзида ифода этган, халқнинг тарихий ўтмиши, анъанаси, урф-одати ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларидан озиқланадиган, ана шу халқнинг тарихий ўтмиши билан бугунги кунини боғловчи кўприк вазифасини ўтайдиган ғоялар тизимидир.

Диссертацияда тадқиқот жараёнидаги кузатишлар илмий-назарий таҳлиллар асосида ҳулосаланиб, миллий ғоя ва мафкуранинг ҳаётийлиги, унинг давр талаби, халқ эҳтиёжи, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, «инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устуворлиги»², жамият миллий манфаатлари, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчаниши таҳлил этилган. Шу боисдан ҳам миллий ғоянинг шаклланиши, мафкуравий тамойилларнинг такомиллашуви жамият кишилар манфаати ва эҳтиёжлари билан узвий боғлиқлиги фундаментал тадқиқот натижаларида асослаб берилган.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -7-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 89.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 17.

Диссертацияда мақсад ва муддаолар жамиятдаги ғоявий-мафкуравий жараёнларга у ёки бу даражада ўз таъсирини ўтказиши таҳлил этилган.

Диссертацияда эҳтиёж - бу зарурият, улар ўйлаб топилмаслиги, англаб етиш ёки англаб ета олмаслик мумкинлиги қайд қилинган. Шу сабабдан ҳам ҳар қандай эҳтиёж ўз асосига кўра, инсоннинг муҳит билан ўзаро алоқадорлиги туфайли юзага келади.

Тадқиқотда ана шу эҳтиёжлар таснифини ўрганишда диссертант уни шартли равишда моддий ва **маънавий эҳтиёж** турларига ажратиб кўрсатган ҳамда уларнинг ўзига хос ижтимоий мазмун ва моҳиятини тадқиқ этган. Унда одам - биосоциологик ҳодиса-табиат ва жамият гултожиси, ундаги ҳамма нарсаларнинг мезони, табиат ва жамиятнинг олий даражадаги маҳсули сифатида қаралган.

Диссертацияда табиатни мақсадга мувофиқ равишда ўзгартириш зарурияти билан боғлиқ бўлган тарихий шартлар кўрсатиб ўтилган. Аввало, ижтимоий-моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, бу инсоният тарихининг биринчи шартидир. Иккинчи тарихий шарт одам физиологик эҳтиёжларининг қондирилиши унда маънавий эҳтиёжларнинг туғилишига туртки бўлган. Учинчи тарихий шарт - одамнинг зурриёд қолдирилишига бўлган табиий эҳтиёжи оила қуриш, бола-чақали бўлиш, ота-оналар ўртасидаги муносабат, муайян эҳтиёжларнинг қондирилишидир. Тўртинчи тарихий шарт эса кишиларнинг ўзаро ишлаб чиқариш муносабатларига киришишлигидан иборат қилиб кўрсатилган.

Диссертацияда юқоридаги фикрларга асосланиб, тадқиқотчи эҳтиёж категориясига қуйидагича таъриф берган: ***Эҳтиёж** бу, инсоннинг табиий, физиологик, психологик, моддий-иқтисодий, ҳуқуқий-мафкуравий ҳамда маънавий қондириш ёки рўёбга чиқаришига интилишнинг мажмуидир.*

Киши эҳтиёжи маданий борлиқнинг манбаигина бўлиб қолмасдан, балки, унинг ажралмас тизими, яратувчиси, компоненти ҳамдир. Диссертацияда инсон эҳтиёжининг ижтимоий-маиший эҳтиёжларга, диний, ахлоқий, эстетик, билиш, таълим-тарбия эҳтиёжларидан иборат бўлган маънавий эҳтиёжга, бошқариш ва тартибга солиш мақсадидаги сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёжларга бўлиниши тадқиқ қилинган.

Диссертант фикрича, эҳтиёж манфаатни туғдиради, бунинг устига бир эҳтиёжнинг ўзи бир неча манфаатни талаб қилиши ҳам мумкин. Манфаатлар турлича бўлади ва ўз белгиларига қараб бир-биридан фарқ қилади, масалан, манфаат эгалари жиҳатидан шахсий, жамоавий, миллий, ижтимоий ва ҳ.к. манфаатлардан иборат.

Муаллиф томонидан манфаатлар тизимлашувида барқарорликнинг бўлиши қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши умумлаштирилган:

- ижтимоий гуруҳлар манфаатларини белгиловчи меҳнат фаолиятининг муайян тури ва унга мос меҳнат тақсимоти орқали;
- ижтимоий гуруҳ ва ташкилотларнинг меҳнат натижаларига эгалик ҳолати ҳамда мулкчиликда маълум шаклларнинг вужудга келиши;
- муайян жамиятдаги ҳаёт тарзининг белгилари бўлмиш муаммолар ва муносабатларнинг шаклланиши орқали;

- жамият муносабатларнинг персонификацияси, яъни ишлаб чиқариш усулига, жамият фаолиятига монанд келувчи ижтимоий характер ва шахс турлари юзага келиши орқали.

Диссертацияда жамиятдаги ҳар қандай интилиш, буюк мақсад ва ғоялар ўша давр эҳтиёжи туфайли юзага келиши таҳлил қилинган. Буюк аллома Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» китобида инсон - инсонсиз яшай олмайди, фаолият кўрсата олмайди, яхши кунларда ҳам, мусибатли пайтларда ҳам одам одамга ғанимат, деган улкан фалсафий, умумбашарий ғояни илгари суради¹. Ўз фикрини давом эттириб, «ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, - деб таъкидлайди аллома, - яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади².

Шунингдек, Форобий билим ва маърифатга бўлган эҳтиёж ҳаётда рўй бераётган воқеа, ҳодисалар ва жараёнлар моҳиятининг объектив қонуниятларини онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавийт эканлигини ҳам ўз қарашларида батафсил изоҳлайди.

Тадқиқотда инсоннинг ҳаётий манфаатлар тугинини ечиш омили, эҳтиёжларни қондириш воситаси муайян ғоя ва маслакка эътиқод қўйиш асоси билим ва маърифатда эканлиги Ибн Сино қарашларида ҳам яққол кўзга ташланиши баён этилган. У ўзининг «Ҳайй ибн Яқзон» («Уйғоқ ўғли тирик») фалсафий қасидасида илм асло қаримайди, у оламни кезади, кишиларни жаҳолат ва нодонлик ғафлатидан уйғотади, деган ғояни илгари суради. Унинг киши дидини ўстиради, фикр доирасини кенгайтиради, билган-билмаганларини кўз ўнгига келтириб, тартибга туширади³. Илм туфайли инсон ҳаётда қоқилмайди, хавф-хатарли йўлдан юрмайди.

Тадқиқотда Берунийнинг илм-фан, маданият, маънавийт ва маърифат ҳақидаги таълимоти биродарлик, самимият, тенглик, адолат, яхшилик, тўғрилиқ, инсонпарварлик каби умуминсоний ғоялари янгича миллий тафаккур тарбияси шаклланишида беназир ахлоқий-этик, маънавий-фалсафий асос бўлиб хизмат қилиб келаётганлиги баён этилган.

Диссертацияда улуғ бобоқолларимиз томонидан зикр этилган фикрлари, илмий қарашлари замирида инсон ва жамият манфаати, эҳтиёжлари, унинг ижтимоий ҳаётдаги ғоялар, интилишлар билан боғлиқлиги каби масалалар ҳар томонлама асосли тарзда изоҳланган.

Диссертант фикрича, Юсуф Хос Ҳожиб қарашларидаги эътиборли, бизнинг миллий манфаатларимизга бевосита дахлдор томони шундан иборатки, унинг ғоясида инқилобчиликни рад этиш устувор. Бу шарқ мутафаккирларига хос бўлган хусусиятдир. Чунки саодатли жамият уруш-жанжал билан эмас, балки фикр қаймоғини амалиётга тадбиқ қилиш орқали фидойилик билан қурилади.

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1983. –Б. 22-23.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1983. –Б. 186.

³ Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг «Саломон ва ибсол қиссаси». –Тошкент: Фан, 1979. –Б. 23.

Миллий истиқлол мафкураси асосида амалга ошириладиган барча вазифалар охир оқибатда ягона мақсадга - Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизни озод ва обод Ватан барпо этиш, фаровон жамият қуриш учун хизмат қилади. Диссертацияда бу борада мафкуранинг қуйидаги муҳим хусусиятлари ажратиб кўрсатилган:

1) Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини ифода этиш. Президент Ислон Каримов бу муҳим хусусият тўғрисида тўхталиб: «Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади...»¹.

2) Ўтмишни келажак билан боғловчи маънавий кўприк эканлиги. Президентимиз И.А.Каримов сўзлари билан айтганда, миллий мафкура халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга, «кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга»² муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

3) Миллий мафкуранинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, кишиларни буюк мақсадлар сари бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи куч эканлигидадир.

4) Миллий истиқлол мафкураси халқ, жамият аъзолари бунёдкорлик, интеллектуал фаолиятининг ўзига хос мезонидир.

5) Миллий истиқлол мафкураси кишиларни яратувчан фаолиятга сафарбар этиши, ғоявий ҳимоя воситасини ўташлигидадир.

6) Миллий истиқлол мафкураси ёш авлодни бевосита ва билвосита тарбиялашнинг беқиёс омили ҳамдир.

«Табиийки, - деб ёзади И.А.Каримов, - миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади»³. Тадқиқотда бу тушунчалар ғоя ва мафкурада мужассамлашган миллийлик, унинг ўзига хос ҳаётбахш қадриятлари устуворлик сифатида таҳлил қилинган.

Юртбошимиз И.А.Каримов мустақилликнинг илк давларидаёқ ўртага миллий тикланиш ғоясини қўйди. Бу кейинги йиллар ичида чинакам, умуммиллий ғояга айланди. Ғоя халқимиз ва жамиятимиз олдида жуда кенг уфқлар очди. Миллий тикланиш мустақиллик мафкурасининг мағзини ташкил этади.

Диссертацияда эҳтиёжлар ва манфаатлар уйғунлигининг миллий хусусиятлари, шахсий манфаатлар, гуруҳий манфаатлар, қавм-қариндошлик, уруғ-аймоғчилик ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси асосида миллий манфаатлар такомиллаша бориши қонуният сифатида қаралган. Ана шу жараён миллий истиқлол мафкурасининг бир қатор инсонпарварлик тамойиллари билан узвий алоқадорликда кўзга ташланиши боисдан миллий ғоя ва мафкуранинг манфаат

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б. 490.

² Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -7-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 89.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т: Маънавият, 2008. –Б. 72.

ва эҳтиёж билан боғлиқ жиҳатларини мунтазам ўрганиб бориш заруриятини юзага келтирганлиги илмий асосланган.

Ҳар қандай эҳтиёж, манфаат уйғунлиги шахс, жамият, давлат, амалий фаолиятнинг табиий ёхуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий манфаатлар бирлиги муштарақлигида юз беради. Шу жиҳатдан қараганда диссертант жамият ижтимоий тафаккури, эҳтиёжи миллий мафкуравий манфаатлар негизида кечадиган одатий ва қонуний жараён сифатида талқин этади.

Умуман, диссертант тадқиқотда ана шу эҳтиёж, манфаатлар юзага чиқишининг миллий ва мафкуравий хусусиятлари Ғарб, Шарқ олимлари, Президентимиз Ислом Каримов асарлари асосида чуқур таҳлил қилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАКОМИЛИДА ОҚИЛОНА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ»**, деб аталади ва унда **«Миллий манфаатлар тизимида маънавий-маданий мерос ва мафкура бирлиги» (2.1.), «Диний-ахлоқий меросга ворислик – миллий ғоя ва такомилидаги ҳаётий эҳтиёж сифатида» (2.2.), «Комил инсон ғоясида ижтимоий эҳтиёж ҳамда манфаатларнинг ўзаро муштарақлиги» (2.3.)** мавзулари тадқиқ этилган.

Тадқиқотда «Миллий манфаатлар» категориясининг моҳиятини ва унинг шаклланишига таъсир қилувчи, маънавий, сиёсий, мафкуравий омилларни тадқиқ этиш, уларнинг ҳаётга жорий этилиши борасида муҳим аҳамият касб этувчи мезонлар, параметрлар ва даражаларни аниқлаш, унинг миллат турмуш тарзига таъсир этувчи омилларини таҳлил этиш муҳим илмий муаммо сифатида қаралган.

Зеро, мустақиллик сиёсати туфайли «республикани ҳақиқатан ҳам, унинг миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд, беқиёс табиий бойликларини ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди»¹.

Диссертант республикамиз олимлари, МДҲ давлатлари ва Европа тадқиқотчиларининг миллий манфаат масаласидаги қарашларини қиёсий таҳлил ва солиштириш асосида миллий манфаатнинг ижтимоий эҳтиёжи ва мафкура билан боғлиқ томонлари ушбу қарашларда ўз аксини топмаганлиги, ҳолбуки ҳар қандай манфаат охир-оқибат ўзининг ғоявий рағбатлантируви кучига эга бўлиши зарурлигини асослашга ҳаракат қилади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, муаллиф унга қуйидагича таъриф беради:

Миллий манфаат – жамиятда яшаётган кишиларнинг ўзларини муайян миллатга мансуб деб билгани ҳолда бошқа миллатлар билан баҳамжиҳат ўз миллий тараққиёти, урф-одати, анъаналарига садоқатни қарор топтириш, ўз миллий ва диний эътиқодларини қадрлаш, миллий давлатчилик тараққиётини таъминлаш, миллий ғоянинг ҳаётбахш тамойиллари асосида миллий ғурур, миллатлараро тотувлик ғояларини такомиллаштириш асосида ўзлигини англаш учун олиб бориладиган кишиларнинг саъй-ҳаракатлари мажмуидир.

Тадқиқотда маънавий камолотнинг бу уч муҳим соҳасини бир-биридан ажратиш, агар маънавий омиллар заиф бўлса, маърифий ишларни ҳам йўлга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б. 96.

қўйиб бўлмаслиги, маърифатсиз маънавият ҳам инсон қалбига сингиб, унинг фаолиятига асос бўла олмаслиги чуқур таҳлил қилинган. Ана шу сабабдан ҳам диссертацияда мамлакатимизда миллат, жамият, давлатни бирлаштирувчи байроқ бўлган миллий ғоя ва мафкурани янада шакллантириш ва халқимиз онига сингдиришдаги фаоллик даражалари тадқиқ этилган.

Диссертацияда халқимизнинг хотираси ажойиб номларга бой, бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг асослаб берилган. Шунингдек, Абу Наср Форобий ҳам Аристотелнинг биргина «Метафизика» асарига шархлар ёзганининг ўзи ўша даврнинг улкан кашфиётларидан бири эди. Ҳатто Ибн Синодек инсон Аристотелнинг бу асарини бир неча марта ўқиб тушунаолмасдан Форобий ёзган шархларни ўқиб, тушунганлиги ҳам сир эмас. Форобий буюк энциклопедист олим эди. Жаҳон астрономия фанининг тараққиётига беҳисоб ҳисса қўшган гениал математик, улкан аллома Мирзо Улуғбек ўзининг «Зижи Кўрагоний» асарида 1000 (минг)дан ортиқ юлдузларни таҳлил қилиб, ўрганиб чиққан. Ўрта аср шароитида бу изланишларга тан бермасликнинг иложи йўқ.

Тадқиқотда Турон заминида дунёвий ва диний таълимотларни ўзида мужассам этган, миллий-маданият ва маънавиятимизга, жаҳон илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган олиму фузалолар, донишмандларнинг бу қадар кўп етишганлиги Аллоҳнинг мўъжизаси сифатида баён этилган. Президент И.Каримов томонидан Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган танатанали маросимда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамикки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир»¹.

Буни диссертант томонидан Навоий вилояти Хатирчи туманида ва Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ходимлари орасида ўтказган сўровнома тадқиқот натижаларидан билса ҳам бўлади.

Мазкур бирлашма ишчи-ходимларига тарқатилган жами 1200 анкета сўровномасида «Маънавий мерос нима? Диний-ахлоқий меросга ворислик деганда нимани англайсиз?» каби саволлар билан мурожаат қилинган. Сўров иштирокчиларининг 45%и «Маънавий мерос халқимиз асрлар давомида яратган ўлмас анъаналари, урф-одатлари, эътиқодлари мажмуидир» деб жавоб берган бўлса, 37%и маънавий меросни фақат илмий-ижодий мерос деб, 16%и маънавий мерос диний-ахлоқий қадрият деб изоҳлаганлар. 2%и респондентлар «бу саволларга жавоб бера олмас»лигини баён этган. Гарчи, маънавий мерос ҳақидаги саволга ҳар бир саволнома иштирокчисининг жавобларида муайян маънода тўғри жавоблар бўлсада, маънавий мерос ҳақида яхлит умумлашган жавоблар 45% фоиздан ошмаган. Демак, ҳали кишиларимизнинг маданий-маънавий мерос ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, уларни маънавиятимиз теран илдизлари озуқа оладиган аجدодларимиз меросини ўрганишга эҳтиёжманд қилиб тарбиялаш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилишимиз зарур.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамик. -7-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -Б. 184.

Диссертант кенг омма орасида ҳам миллий ғоя, мафкура ҳамда манфаатнинг ўзаро уйғунлигини таъминловчи маданий-маънавий мерос масаласини мунтазам тарғиб этиш, уларнинг онгига мазкур тушунчани жуда содда, оммабоп тарзда сингдириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида қарайди.

Демак, маданий мерос, халқнинг, миллатнинг ўтмиши акс этган ва келажагини ифодаловчи омил бўлиб, у тадқиқотда: 1. Маънавий маданий мерос. 2. Моддий маданий меросларга ажратиб таҳлил қилинган.

Диссертант диний, тарихий ҳамда маданий-маънавий кадриятларни қайта тиклаш мустақил Ўзбекистон учун, янги тузумни легитимлаштириш эҳтиёжигина эмас, балки объектив зарурият эканлигини баён этади. 1991 йили «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, 1998 йили эса бу қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Шу асосда диний ташкилот ва муассасаларга юридик ваколатлар ҳамда имтиёзлар берилди¹. Мазкур қонун асосида фуқаролар яқка тартибда ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб, диний амалларни бажариш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, ҳаж сафарларига бориш имкониятларига эга бўлдилар. Агар 1980 йилларда Бутун Совет иттифоқи бўйича бори-йўғи 25-30 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, 1991 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 1500, 1992 йилда 4500 киши ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлдилар. 2000 йилга келиб, 4000 киши ҳаж сафарига ва 4 мингга яқин кишилар умра сафарига боришга мувофиқ бўлдилар.

Диссертацияда ислом дини ҳар доим одамларни улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга, миллий, ирқий, диний камситишларга йўл қўймасликка, меҳр-оқибат ва эзгуликка чорлаб келаётганлиги, буларнинг ҳаммаси мустақилликни мустаҳкамлашда юртимизда тинчлик, осойишталик, аҳилликни таъминлашда катта аҳамиятга касб этаётганлиги таҳлил қилинган.

Диссертацияда халқимиз пиру комиллик мақомига эришган Абдулхолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубролардан тортиб ислом дини таълимотларининг бугунги авлодга етиб келишига беназир ҳисса қўшган улуғ имомлар Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиновий ва бошқаларнинг бой меросини ўрганиш бахтига мушарраф бўлинганлиги, мамлакатимизда нафақат ислом, балки барча динларга чуқур ҳурмат-эҳтиром қаратилганлиги тадқиқ этилган.

Шу боисдан ҳам диссертацияда бутун дунёга жиддий хавф солаётган, инсониятнинг маданий тараққиёти йўлида катта ғовга айланаётган диний экстремизм, фундаментализм ўзини турли йўллар билан намоён этаётгани, унга қарши кураш усуллари ҳам хилма-хил бўлиши, бу кураш мунтазамлик касб этиши лозимлиги таъкидланади.

Тадқиқотда ана шу курашда кишиларнинг диний-маърифий билимини бойитиш, уларни диний-ахлоқий меросимизнинг ҳақиқий вориси эканлигига маънан эҳтиёж сезиб яшашга одатлантириш, бу эҳтиёжга ҳаётий принцип сифатида қараш руҳиятини шакллантириш зарурияти баён этилади.

¹ Юлдашева Г. Узбекистан: особенности и перспектива развития ислама в контексте глобальных в нем изменений //Центральная Азия и Кавказ. 2002, 4(22). –С. 167.

Юртимизнинг Ислом маданияти маркази сифатида дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши ҳам бу масалага жиддий қараш зарурлигини англатади. Ислом конференцияси ташкилотининг тузилмаларидан бири бўлган таълим, фан ва маданият масалалари халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕЕСКО) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши Ўзбекистон, хусусан, унинг пойтахти Ислом цивилизацияси тарихида ўзига хос ўринга эга эканлигидан яна бир далолатдир¹.

Тадқиқотда Комил шахс - куллик-мутелик, боқимандаликдан батамом халос бўлган инсон сифатида қаралган. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, ўз мустақил фикри ва дунёқарашига эга бўлмаса, демак, ижтимоий жиҳатдан у ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил шахс ўз маслағи, Ватани, халқи манфаатларига ёт зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, доимо огоҳ, ташаббускор ва фаол бўлади.

Диссертацияда истиқлолнинг 20 йиллик тараққиёти давомида мустақиллик туфайли амалга оширилаётган ислохотлар нафакат сиёсий тизимни янгилашда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда туб ўзгаришлар ясади, балки одамлар тафаккурини ҳам қадам-бақадам ўзгартириб бораётганлиги кенг ва атрофлича фалсафий таҳлил қилинган. Одамлар ўтмишни ҳозирги ҳаёт билан қиёслаб кўрмоқдалар, эришилган ютуқларнинг моҳияти ва аҳамиятини англашга интилоқдалар.

Тадқиқотда Президентимизнинг эркин фуқаро ва озод шахс ҳақидаги қарашларидан келиб чиқиб, қуйидаги тўрт жиҳатга алоҳида эътибор берилган, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб фаолият юритсин².

Бу - ўз навбатида баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир. Ҳар бир инсон зоти маънавий қиёфаси туфайли шахсдир. Юртбошимиз И.А.Каримов, фуқаролик масъулиятини раҳбар масъулияти билан уйғунликда олиб қараб, раҳбар масъулиятини энг муҳим фазилат сифатида талқин этади. «Майли раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади, деб таъкидлайди И.А.Каримов, лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди»³.

Диссертацияда миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг асосий тамойилларидан бири бўлган комил инсон ғояси, унинг ижтимоий эҳтиёж ҳамда манфаатлар билан алоқадорлиги таҳлил қилинган. Ишда мазкур ғояни оддий халқнинг англаш даражасини ўрганиш мақсадида Самарқанд вилоятининг бир қатор шаҳар ва туманларида ҳамда Тошкент шаҳри олий ўқув

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 38.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000 –Б. 233.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –Б. 70.

юртларида социологик тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотда халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаётган қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, маиший хизмат ходимлари, тадбиркорлар илм-фан сирларини ўрганаётган ўқувчи ва талаба-ёшлар, нафақахўрлар, вақтинчалик ҳеч қаерда ишламаётган ишсизлар, уй бекалари, шунингдек, раҳбар ходимлар, ҳаммаси бўлиб 856 киши иштирок этган. Респондентларга турли саволлар билан мурожаат этилган.

«Комил инсон ғоясига муносабатингиз қандай?» деган саволга респондентларнинг 21,43% «Комиллик фақат Аллоҳга хос бўлган илоҳий тушунча», 26,31% «Ҳар тўқисда бир айб, аммо инсон комилликка интилиб яшаш керак», 48,53% «Инсон зоҳирий билан ботиний, суврати билан сийрати, сўзи билан ишининг бирлиги унинг комиллигидан нишона», деб жавоб берган бўлса, 3,63% сўров иштирокчилари эса ушбу саволга муносабат билдира олмаганлар. «Ижтимоий ва индивидуал эҳтиёж нима?» деган саволга респондентларнинг 32,16% «Ижтимоий эҳтиёж жамиятдаги кишиларнинг умумий эҳтиёжи, индивидуал эҳтиёж эса алоҳида инсон, эҳтиёжидир», 29% «Ижтимоий эҳтиёж кўпчилик эҳтиёжи, индивидуал эҳтиёж алоҳида шахс эҳтиёжи», 34,50% «Улар ўртасида ўтиб бўлмас чегара йўқ» деган жавобни беришган бўлса, 4,34% фарқни изоҳлай олмайман, деган жавоб беришган.

«Манфаат ва мафкура орасида боғлиқлик борми?» деган сўровга 39,28% киши «Ҳа, бевосита узвий боғлиқлик мавжуд», 41,2% «Ҳар қандай мафкура муайян манфаатни кўзда тутди», 18,2% сўров иштирокчилари «Иккаласи алоҳида-алоҳида тушунча, улар орасида боғлиқлик йўқ», деган жавоб қайтарганлар, фақат 1,94% респондент «Манфаат кўпроқ иқтисодий ҳаёт соҳаси, мафкура эса ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ» деб изоҳлашган.

Диссертацияда келтирилган юқоридаги жавоблардан маълумки, комил инсон ғояси комилликнинг шаклланиши, унинг ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар билан боғлиқлиги масаласида кишиларнинг аксариятида аниқ нуқтаи назар, тасаввурлар мавжуд, айти пайтда, унинг ижтимоий маънода амалий ҳаёти юзага чиқишини ҳали тўлиқ англамаган, комиллик, ижтимоий эҳтиёж, манфаат ва мафкура масалаларида аниқ, равшан мулоҳазаларга эга бўлмаган кишилар ҳам нисбатан кўпчиликлари ташкил этиши кенг ёритилган. Диссертант худди шунинг учун ҳам жойларда миллий истиқлол ғояси ва мафкураси тарғиботи билан шуғулланаётган идоралар, масъул шахслар, маънавият ва маърифат бўлимлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари аҳоли орасида тушунтириш, тарғибот ҳамда ташвиқот ишларида айти шу масалаларни кенгроқ шарҳлашга ҳаракат қилишлиги таҳлил этилган.

Диққат қилинса, имон-эътиқод билан миллий ғоя ва мафкуранинг қандай боғлиқлиги бор, деган саволга аксарият сўров иштирокчилар деярли ижобий муносабат билдирганлар. Бундан шу нарса маълумки, миллий ғоя ва мафкура тарғиботи ҳар қалай кишилар тафаккури ва дунёқарашига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Диёнат борасидаги саволга эса деярли 6,5% респондент аниқ жавоб бермаганлиги ушбу масалада келгусида аҳоли билан мунтазам иш олиб бориш заруриятини англатади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, диссертант ҳар қандай мукамаллик ва комиллик марказида (у хоҳ инсон, хоҳ жамият мукамаллиги) бўлсин, бевосита инсон унинг эҳтиёжи ва манфаатларининг муштараклигида намоён бўлади, деган ғояни илгари суради. «Энг муҳими, инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади»¹.

Шу боисдан ҳам тадқиқот ишида ҳар қандай ҳолатда ҳам комиллик заминида инсон эҳтиёж ва манфаатларининг қондирилиши устувор аҳамият касб этиши, комилликни белгиловчи мезон инсоннинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини қондириши, унинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда моддийлик билан маънавиятнинг уйғунлигида эканлиги тадқиқ этилган.

Диссертациянинг **«ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ, МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАКОМИЛИНИНГ БОШ ОМИЛИДИР»**, деб аталган учинчи бобида **«Таълимдаги мафкуравий жараёнларнинг манфаат ва эҳтиёжлар билан боғлиқлиги»** (3.1.), **«Таълимнинг миллий моделида миллий истиқлол ғояси тамойилларининг устуворлиги»** (3.2.), **«Шахс тарбиясида эҳтиёж, манфаат ва мафкура бирлиги»** (3.3.) мавзулари тадқиқ этилган.

Тадқиқотда 1997 йилнинг 29 августида жаҳон андозаларига ҳар томонлама жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлиги таҳлил этилган. Мазкур ҳужжатлар инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонликка эришиши, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскича тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартиришни ислохотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланганлиги баён қилинган.

Миллий дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни кўзда тутар экан, диссертант унда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилишнинг муҳим омилларини қуйидагилардан иборат қилиб кўрсатган:

а) Ўзбекистон Республикасининг демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

б) мамлакатимиз иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти, асосан хомашё йўналишидан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаяётганлиги;

в) давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлигининг қарор топганлиги;

г) миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданиятнинг тарихий анъаналарига ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б. 165.

д) Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги каби ҳолатлар, ислохотлар инобатга олинганлиги баён этилган.

Диссертацияда кадрлар масаласининг социал, иқтисодий ва ғоявий томонларини таҳлил этишдан олдин, унинг назарий томонларига ҳам эътиборни қаратиш жоизлиги таъкидлаб ўтилади.

Тадқиқотда диссертант мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил этиши келтирилган¹. Ўзбекистонда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар жами аҳолининг 35%ни ташкил этади². Улардан 37,8% шаҳарларда, 62,2% эса қишлоқларда истиқомат қилишади, ёшларнинг 50,3%ни эркаклар, 49,7%ни аёллар ташкил қилиши ишда чуқур таҳлил этилган.

Ёшларнинг асосий мақсади, аввало, илм-хунар ўрганишга, Ватан олдидаги фуқаролик бурчини ўташга қаратилган бўлиши зарур. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижоди ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг-қўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш»³ вазифалари белгиланди.

Шу боисдан ҳам диссертацияда бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг қўламли ислохотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида кенг фикр юритилган. «Бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади»⁴.

Диссертацияда таълим тизимида мафкуравий жараён кишиларнинг манфаат ва эҳтиёжлари билан уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги долзарб вазифалар кўрсатиб ўтилган:

- шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатларининг батамом янгича мазмун ва моҳиятга эга бўлишга эришиш, фуқаролик жамияти асосларини яратишда унинг инсонпарварлик табиати устуворлигини таъминлаш;

- янгича кадриятлар ва демократик тамойилларни тафаккур тизимига мослаштириш;

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б. 36.

² Қодинова З. Проблемы помывшения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. –Ташкент: Узбекистон миллий энциклопедияси. 1992. –С. 240.

³ «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. –Б. 8.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдеворидир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б. 19.

- ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси инсон жамият тараққиёти ва унинг янгилашишига бўлган ўз муносабати ва ўрнини, ўз бурчини аниқлаб олиши ва унга виждонан амал қилиши;

- миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётимиздаги ўрни, унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ илмий-назарий масалалар тадқиқининг узлуксизлигини таъминлаш;

- мафкурани жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмуни, уларнинг интилишлари, халқ табиати, турмуш ва тафаккур тарзига жамият миллий манфаатларининг қай даражада мос тушишини англашчи ўзига хос мезон сифатида шакллантириш;

- энг муҳими, миллий мафкурага ёндашганда халқ манфаати, юрт тинчлиги ва Ватан равнақи, миллатлараро ва диний бағрикенглик каби тамойилларга таяниш.

Ана шу вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, диссертант Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим тизимида ўқитиладиган фанлар, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар дастурини миллий ғоя ва мафкура асосида қайта ишлаб чиқиш, янги ўқув дастурларига, дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда шахс, миллат ҳамда халқ манфаати ва эҳтиёжининг устувор жиҳатларини инобатга олиш лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Диссертант бу фикрларни далиллаш учун Самарқанд вилояти «Жомбой дон» ҳиссадорлик жамияти ва тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер ва ширкат хўжаликларидаги жами 170 нафар респондент билан «Таълим ва тарбия тизимини ислоҳ этиш, миллий манфаатлар устуворлигини қай жиҳатдан таъминлайди деб ўйлайсиз?» деган савол юзасидан ўтказилган сўров иштрокчиларининг 21,7%и миллий тарбиянинг моддий ва маънавий асосга қўйиш билан, 39,4%и тарбияда ғоя, мафкура, маданият, маънавият ва маърифат уйғунлигини таъминлаш билан, 15,7%и таълим тизимида диний-ахлоқий кадриятларни ривожлантиришга жиддий эътибор бериш билан, 23,2%и эса таълим-тарбияда миллийлик, тарихийлик ва замонавийликнинг ўзаро муштараклигини йўлга қўйиш билан таъминланади, деб жавоб берганлар.

Сўров натижаларида энг юқори 39,4% иштирокчи миллий ғоя, мафкура, маданият, маънавият ва маърифат уйғунлигини таъминлаш зарур, деб топганлар.

Диссертацияда дунёда глобллашув жараёнида ёшлар онги ва тафаккурини мафкуравий жиҳатдан забт этишга уринишлар, ёт ғоя ва мафкуравий таҳдидлар кучаётган бир шароитда таълим ислохотларида миллий ғоя ва мафкура, эҳтиёж ва манфаатларнинг муштараклигини таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган:

- ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда уларни диний-ахлоқий ва маданий-маънавий меросни ўрганишга эҳтиёжманд қилиб тарбиялаш;

- миллий манфаат ва миллий ғурурнинг ўзаро уйғунлигини уларнинг руҳиятига сингдириш;

- илм олишга иштиёқ ва эҳтиёжмандлик таълим ислохотларидаги устувор вазифага эканлигини ёшларни онги ва қалбига жойлаш.

Тадқиқотда, Кадрлар тайёрлаш миллий модели фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олиши, миллий моделнинг шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқадорлиги тўла акс этилган.

Диссертацияда миллий ғоянинг асосий мазмунини Ватан равнақи ғояси ташкил этиши, Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқлиги, ҳар бир юртдошимизнинг зиммасидаги юксак фуқаролик маъсулиятини ҳис этиши, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашига даъват этилган ғоялар билан бойитилган. Халқ фаровонлиги эзгу тушунчаси ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган асосий устунларидан бири сифатида қараган.

Тадқиқотда миллий моделнинг бош мақсади комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган қарашлар Президентимиз изоҳи билан баён этилган. «Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»¹. Тадқиқотда комил инсон ғоясининг эзгу ғояларга хизмат қилиши, жисмоний баркамоллик, маънавий баркамоллик, нафосат ва гўзалликка интилиш сингари тамойиллар, асосий функциялари билан баён қилинган.

Тадқиқот ишида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида, инсон, жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган, бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган муҳим ҳаётий масалалар илгари сурилган. Унга кўра:

- ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълимга, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш;

- ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний кадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига, садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;

- ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларнинг энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олишлари учун шароит яратиш;

- Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;

- таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш ва ҳ.к.

Диссертацияда «шахс» тушунчаси, мустақил шахснинг шаклланиш ва қарор топиши инсоннинг ижтимоий ривожланиш жараёни сифатида тадқиқ қилинган. Инсоннинг ижтимоийлашув жараёни – жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий нормаларга нисбатан кишида ҳосил бўлган, яъни шаклланган субъектив шахсий эквивалентларидир. Бу эквивалентлар худди ижтимоий

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –7-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б. 134.

нормалардек доимо ўзгариб турувчи хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида ўзига хос тизим шаклида намоён бўлиши мумкин. Ушбу тизим жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий эталонларни, моделларни, ёзилган ва ёзилмаган, қабул қилинган ва қабул қилинмаган нормаларни, қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. Жамиятдаги ижтимоий нормалар, қадриятлар ўзгариши билан шахснинг индивидуал-субъектив эквивалентлари структураси ҳам ўзгариб туради¹. Шахснинг индивидуал-субъектив эквивалентлари структурасининг ўзгариши унинг эркинлик даражасини ҳам ўзгартириб юборади. Бундай ўзгариш, доимо ривожланиб турган субъект бўлган шахсга янада юксак талаблар қўяди. Кўриниб турибдики, инсон шахсида мавжуд бўлган индивидуал хусусиятлар жамиятдаги ижтимоий нормалар билан бевосита боғлиқдир.

Диссертацияда баркамол инсон дунёқарашини шакллантиришда шарқ фалсафасининг аҳамияти, Шарқ мутафаккирлари илм-маърифат, ахлоқ масалалари, Ватанни севиш, инсонпарвар бўлишга ундаганлар, комил инсон фазилатларини тарбиялаш каби қарашлари кенг ёритилган. Тадқиқотда ўзбек халқи ўзининг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти жараёнида мукамал тарбияли инсон қандай бўлишлиги ҳақида яхлит таълимот тизимини яратганлиги илмий фалсафий жиҳатдан очиб берилган.

Умуман, диссертант фикрича, шахс тарбиясини йўлга қўйиш унинг эҳтиёж ҳамда манфаатларини ҳисобга олган ҳолда миллий тарбиямизнинг таъсирчан услубларидан фойдаланиб, унинг дунёқарашига таъсир ўтказиш маънавиятини бойитиш, миллий ғоя ва мафкурага ишончи ва садоқатини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб, чуқур маъно ва мазмун касб этиб бормоқда. Инсон ва ҳар бир алоҳида шахснинг манфаатлари мафкурада олий қадрият сифатида бўй кўрсатмоқда ва кишиларимиз турмуш тарзига сингиб, уларни фаолияти, меҳнатига рағбатлантирувчи куч сифатида таъсир ўтказмоқда.

Шу боисдан ҳам диссертацияда Президентимиз асарларида кўрсатилган ғоялар нуқтаи назаридан изоҳланган, чунончи, «миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижтимоий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур»².

Диссертациянинг тўртинчи боби **«МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ҒОЯ, МАФКУРА, ЭҲТИЁЖ ҲАМДА МАНФААТЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ»**, деб номланган. Унда «Қадрлар тизимида ғоя ва мафкура мутаносиблиги» (4.1.), «Маҳалла муҳити, оила маънавиятида эҳтиёж, манфаат ва мафкура уйғунлиги» (4.2.), «Имон-этиқод, диёнат, инсоний фазилатлар ва эҳтиёжларнинг ахлоқий асоси сифатида» (4.3.) масалалари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Диссертант тадқиқотда Ўзбекистоннинг миллий истиклолга асосланадиган қадриятлар тизимининг шаклланиш жараёнидаги асосий йўналишларини ўрганишни заруриятга айлантирганлигини илмий асослашга уринади.

¹ Чориев А. Инсон фалсафаси, мустақил шахс (II китоб). –Тошкент: Chior ENK, 2002. –Б. 33-34.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 76.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда бу қадриятлар тизимини миллий ғоя ва истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари билан алоқадорлигини илмий таҳлил этиш айниқса муҳимдир.

Қадрият тизимларининг замона зайллари таъсирида ўзгариши ва давр реалликларига мос ҳолатга келиши ҳам ана шу қонуниятга бўйсунди. Шу боисдан ҳам диссертацияда заминимизда яшаётган ва бизга замондош бўлган кишилар ҳаётида янги давр бошланганлиги, яъни мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлолига асосланган янги қадриятлар тизимини барқарор қилиш, бу тизимда умуминсоний, миллий, мафкуравий, синфий, диний иқтисодий ва бошқа қадриятларнинг диалектик уйғунлигига эришиш, инсон қадри, қобилияти, истеъдодини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги долзарб вазифаларни ҳал қилиш ҳозирги авлод умрининг мазмунига айлана бошлаганлиги асослаб берилган¹.

Диссертацияда собиқ тузум мафкураси таъсирида маънавий меросга ҳурмат, ворислик анъаналари ҳам сусайганлиги, бу даврда миллий бирликка интилишдан кўра, гуруҳий, этник, маҳаллий ва ҳудудий айирмачиликка берилиш кучайганлиги илмий асосланган. Бу даврда, диссертант фикрича, халқ феъл-атворида ҳаётга рационалистик, яъни ақл ва ҳушёрлик билан англаб ёндашувидан кўра, иррационал ёндашув устунлик қила бошлаган.

Диссертацияда жадиждилар нафақат антифеодал, балки антиколониал тарғибот ишларини ҳам олиб борганлиги моҳирлик билан очиб берилган. Бу ҳаракат янги миллий кадрларни тарбиялаб етиштириш, маданиятни, миллий мустақиллик ғояларини тарғиб қилишга даъват этишда кўзга ташланади. «Нажот – илму, урфонда» деб билган маърифатчилар кейинчалик «Нажот – миллий истиқлолда» деган ғояни ўртага қўйдилар, уларнинг энг етук намоёндалари миллий-озодлик ҳаракатига бошчилик қила бошладилар².

Бу борада диссертант ўз қарашларини Юртбошимиз асарларидаги ғоялар билан боғлаб изоҳлашга алоҳида эътибор берган. Президентимиз Ислом Каримов «Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин» мавзуидаги «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири билан бўлган суҳбатда шундай деган эди. «Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварларнинг бу сўзлари асримиз бошларида миллатимиз учун қанчалик муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»³. Шу боисдан диссертант фикрича, онгни,

¹ Назаров Қ. Аксиология қадриятлар фалсафаси. –Тошкент: Маънавият, 1998. –Б. 106.

² Ватан туйғуси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б. 114.

³ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. -7-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999, –Б. 93-94.

тафаккурни шакллантириш эса бевосита ана шу миллий ғоя ва мафкура билан ҳам боғлиқдир.

Диссертант тадқиқот ишида кадриятлар тизимидаги ғоявий ва мафкуравий муносабатларни таҳлил ҳамда мушоҳада қилиш асосида фикрини жамлаб, хулосалар экан, миллий кадриятларимиздаги бебаҳо маънавиятни умумбашариятга дахлдор жиҳатларини бойитиб бориш, умумжаҳоний тамаддуни неъматларидан баҳраманд бўлиш асосида миллий ғоянинг бунёдкорлик қудратини, миллий мафкуранинг инсонни – инсон орқали тарбиялаш омилига дахлдор функционал мақомини янада юксалтириш зарур деб ҳисоблайди.

Диссертацияда маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскан эканлиги баён қилинган. «Бу ноёб тажриба аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон – бу маҳалладир... Демокчиманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, кўни-кўшниларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг сахарда кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимасликдан қатъий назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсақолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир»¹, дея Президент асарларидан ихтибос келтирилган.

Ўзбек халқининг маънавияти, анъаналари, урф-одатлари кўп асрлар давомида айнан маҳаллада шаклланган ва сақлаб келинган. Бинобарин, маҳалла муҳитидаги ижобий хислатларга кишиларимиз доимо эҳтиёжманд бўлган «Бағрикенглик, ўзаро меҳр-муҳаббат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади»².

Тадқиқот ишида кишиларнинг тарихан шаклланган маҳалладан кейинги бирлиги – бу оила эканлиги, маҳаллани бир оилага қиёс қилиш мумкинлиги баён этилган.

Шу сабабдан диссертант баркамол авлодни вояга етказиш учун, энг аввало оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим деб қарайди. Оила-жамият асоси, маҳалла-миллий кадриятлар бешиги. «Аҳил хонадонда маърифатли маҳаллада, инсонпарвар жамиятда - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, - зукко йигитлар, оқила қизлар, умр бўйи элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган комил фарзандлар улғаяди»³.

Диссертацияда маҳалладаги ҳар қандай ижобий силжишлар ҳамда салбий ҳолатлар маҳалла таркибида бўлган оилалардаги маънавий муҳитга ҳамда

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. -7-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999, –Б. 305-306.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -8-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –Б. 503.

³ Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 3.

мазкур оилаларнинг ахлоқи, одоби ва тарбияси билан ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги баён этилган.

Ҳақиқатан ҳам, ана шундай олижаноб мақсадларга эришиш йўлида ҳеч шубҳасиз, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканини тушуниш, англаш қийин эмас. «Бир вақтлар «Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла», деган ибора бежиз пайдо бўлмаган ўзи... Узоқ тарихимизда маҳалла, деган идоранинг ўзбек заминидида пайдо бўлишида ташаббускор, сабабчи бўлган аجدод-авлодларимизга ҳар қанча таъзим қилса арзийди, албатта»¹, деган эди Президентимиз.

Тадқиқотда оила – инсоннинг ўзини ишлаб чиқарувчи муқаддас макон. У инсон зотини, унинг авлодини давом эттириш ва юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш манбаи эканлиги илмий-фалсафий асослаб берилган.

«Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айнаи муддао бўлур эди»².

Диссертант фикрича, оилани мустаҳкамлашда ҳукукий, диний-ахлоқий билимлар тарғиботининг аҳамияти катта. Шариатга доир, оила ва никоҳ масалаларига бағишланган, ёшларни жисмонан ва руҳан оила қуришга тайёрлашга кўмаклашадиган адабиётларни нашр этиб, кўпайтиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Зеро, бу тадбиркор оилада шахс тарбиясига ёрдам беради.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2007 йил 18 майда)ги Фармони «ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун ғурур ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш»³, «маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази, жойлардаги маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг муҳим вазифалари, ижросини таъминлаш масалалари баён этилган.

Диссертант тадқиқот ишида маҳалла муҳити оила маънавиятида мафкуравий тамойилларнинг намоён бўлиши энг аввало оилада улғаяётган авлоднинг руҳий эҳтиёж дунёқараши, тафаккур тарзидаги ўзгаришлар янгиланишларга кўп жиҳатдан боғлиқ деб билади. Ана шу руҳий эҳтиёжнинг меъёрида ва оқилона қондирилишида оила – мактаб, таълим муассасалари ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, бу ҳамкорликни илмий асосга қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Диссертацияда миллий мустақилликнинг 20 йиллик даври давомидаги юз берган ўзгаришлар, жамиятмиз маънавиятининг энг муқаддас манфаатларидан бири ўтмиш, тарихий маданий, илмий-ахлоқий, мафкуравий, ижтимоий-сиёсий

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. –17–жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б. 32.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 55.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 18 май, 97-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2007 йил 19 май.

кадриятларга жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳамловчи омил сифатида қарашдан иборат бўлган, жамоатчилик фикри шаклланаётганлиги илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Диссертант фикрича, имоннинг диний талқинидаги энг муҳим масала шундан иборатки, инсон ўз ҳаётида доимо Оллоҳга, унинг Расулига, уларнинг йўлланмаларига таяниши лозим. Оллоҳга ишонч ва эътиқод бўлмаса, имон барқарор маънавий фазилат шаклида юзага келмайди ва инсон қалбида мустаҳкам ўрин олмайди. Шу боисдан ҳам тадқиқот ишида имон тушунчасининг дунёвий ва диний моҳиятини англаб олиш учун комил инсон белгилари ва унинг шартлари тўғрисидаги айрим фикрлар илмий фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Диссертацияда маънавий етуклик инсоннинг ўз шахсий манфаатларини, жамоа, эл-улус, юрт манфаатларига мослаштира олиш эканлиги асосланган.

Диссертация юзасидан ўтказилган тадқиқот натижаларида диёнат ва имон-эътиқодга кишиларимиз муносабатини аниқлаб олиш мақсадида тегишли саволлар киритилган. Сўров иштирокчиларидан «диёнат» тушунчасини қандай изоҳлайсиз ва у шахс манфаатлари шаклланишининг маънавий асоси бўла оладими? деб сўралган. Тадқиқотда келтирилишича, бу саволга улар қуйидагича жавоб берганлар: 30,4% киши диёнат – инсоннинг ўз сўзида, қарашларида, аҳду паймонида мустаҳкам туришдир, шу маънода у шахс манфаатлари шаклланишининг маънавий асоси бўла олади, 38,66% киши диёнат – бу қатъиятлик бўлиб, у шахсда оқилона эҳтиёж ва манфаатларни эзага келтиришга асос бўлади, 24,55% киши диёнат ахлоқий тушунча бўлиб, унинг манфаатга таъсири йўқ, деб жавоб берганлар, 6,45% киши сўров иштирокчилари аниқ фикрлар айта олмаганлар.

Имон-эътиқод билан миллий ғоя ва мафкуранинг қандай боғлиқлиги бор? деган савол билан мурожаат қилинганида, распандентларнинг 43,27%и имон-эътиқодсиз миллий ғоя ва мафкура ўз тақомилига етмайди, 31,17%и мафкура имон ишига айланмас экан, у самарасиз тушунча ҳолида қолиб кетади, 9,21%и миллий ғоя эътиқодга айланиши керак деб, жавоб берган бўлса, 16,26% иштирокчилар мафкура инсонни инсон орқали тарбиялаш омили бўлганлиги боис унда имон-эътиқод устувор бўлиши керак, деб жавоб берганлар.

Диссертант фикрича, ҳар қандай эътиқодни юксак маънавиятнинг ифодаси деб бўлмайди¹. Фақат имон билан боғланган эътиқодгина инсон ҳаётининг энг мураккаб шароитларида ҳам ўзига тўғри йўл топа олишга имкон беради.

2010 йилнинг 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар оқибатида жабр кўриб, юртимиздан паноҳ топган қочоқларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, беминнат ёрдам кўрсатишда халқимизнинг ана шу бағрикенглик фазилатлари яна бир бор яққол намоён бўлди. Мана шундай ўта қалтис вазиятда айнан бизнинг Президентимиз, айнан бизнинг халқимиз томонидан оғир-вазминлик билан иш тутиб, кўрсатилган юксак инсонпарварлик туфайли бу фожианинг янада кенг тус олиб, унинг бутун минтақамиз бўйлаб, аланга олиб кетишига йўл қўйилмади. Ва бу ҳақиқатни

¹ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. –Тошкент: Университет, 1998. –Б. 57.

бугунги кунда дунёдаги кўплаб нуфузли сиёсатчи ва таҳлилчилар эътироф этмоқдалар.

Диссертацияда юқоридаги илмий мушоҳадалар таҳлили асосида миллий ғоя ривожиди, имон-эътиқод, диёнат ҳамда инсоний фазилатларни камол топтирувчи қуйидаги дастурий таклиф ва хулосаларни берган:

- шахс камолотида мустаҳкам эътиқод, диёнат, бурч ва масъулиятни ҳаётий тамойилга айлантириш;

- диний, ахлоқий қадриятларнинг илмий-маърифий асосларига таяниб имон ва эътиқодни такомиллаштириш;

- виждон эркинлигини ҳар бир ёш, жамиятимизнинг барча фуқаролари моҳиятан англаб етиш ва уни қадрлашга эришиш.

Диссертацияда билдирилган ҳар бир таклиф миллий ғоя ва мафкура такомилида мунтазам ўрганилиши талаб этиладиган илмий-назарий масалалар ҳисобланиб, уни изчиллик билан тадқиқ этиш асосида жамиятимиз кишиларида юксак инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қилувчи маданий, маънавий, маърифий-тарбиявий механизмни ривожлантириш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари диссертантни бир қатор хулосаларга олиб келган.

Биринчидан, ижтимоий муносабатлар тизимида миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг манфаат ва эҳтиёжлар билан алоқадорлиги масаласи нисбатан жиддий ўрганилмаганлиги боисдан ҳам ушбу масаланинг концептуал методологик назарий асоси ва ўрганиш объекти, услублари такомиллаштирилиши даркор.

Иккинчидан, ҳозирги туб демократик ўзгаришларнинг ғоявий-назарий асоси бўлган янги ижтимоий тафаккур негизида иқтисодий онгнинг ўсиб бораётганлиги объектив қонуний жараён бўлиб, унинг миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Учинчидан, янгича дунёқарашни шакллантириш тизимида жамият ва давлат ҳаётини модернизациялашда пайдо бўлган тамойиллардан бири – тадбиркорлик, ишбилармонлик ва шахсий ташаббуснинг ўсиб бориши натижасида ривожланаётган янги ижтимоий гуруҳ, айниқса, кичик, ўрта ижтимоий қатламнинг манфаатлари ва маънавий эҳтиёжлари, улар фаолиятларидаги фидойилик, қаноатлилик каби сифатлар, эътиқод, ғоя ва мафкура шаклланишининг маънавий асоси эканлиги ҳам илмий-назарий ҳам амалий жиҳатдан асосланиши атрофлича ўрганилиб, таҳлил этилиши лозим.

Тўртинчидан, объектив эҳтиёжнинг субъекти бўлган инсон, ижтимоий қатлам, гуруҳ, жамият, давлатларнинг фаолиятини эҳтиёж ва манфаатлар белгилаб келганлигини назарда тутадиган бўлсак, мақсад, манфаат ва эҳтиёж бирлигининг жамият тизимидаги ўрни, роли, унинг дунёқараши, маслаги, интилишларини, уларнинг ғоявий, мафкуравий жараёнларга таъсирини ҳамда фаолиятларидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омиллар билан диалектик алоқадорлигидаги ўзгаришларни доимо, узлуксиз тарзда таҳлил этиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, миллий истиқлол ғоя ва мафкурасини яратиш аввало кўп жиҳатдан полиэтник халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган миллий урф-одатлари, анъаналари каби менталитети билан боғлиқ экан, эҳтиёж ва манфаатлар юзага чиқишининг миллий хусусиятлари, мафкуравий тамойилларини ривожлантиришдаги ўрни, аҳамиятини кишиларимиз онги ва қалбига сингдириб боришнинг энг халқчил, оммабоп усул ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириб бориш заруриятини юзага келтиради.

Айнан мана шу хусусиятлардан келиб чиқиб, олиб борилган илмий-назарий фундаментал тадқиқот натижасида диссертацияда қуйидаги амалий таклифлар илгари сурилган:

- аждоқларимиз томонидан яратилган бой миллий-маданий, маънавий-маърифий ҳамда диний-ахлоқий меросини ўрганишни кундалик ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтариш учун мазкур мавзуларда, ҳикматли халқ мақоллари, ривоятлар, кичик ёшдаги болалар учун эртақлар, катта ёшдагилар учун ўзбек халқ дostonлари тўпламларини яратиш, мактаб ўқувчилари учун уни лотин ёзувига асосланган ўзбек тилига ўгириш, таржима ишларига алоҳида эътибор қаратиш;

- республика маънавият тарғибот, миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий кенгаши вилоят, туман ва шаҳар маънавият тарғибот кенгашлари қошида «Маданий мерос ва ворислик» бўлимини ташкил этиш ҳамда мазкур бўлим фаолиятини такомиллаштириш асосида фуқароларни, айниқса ёшларни маданий, диний-ахлоқий меросимизга ихлосманд, фидоий қилиб тарбиялаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

- маънавият соҳасидаги ҳар бир эҳтиёжнинг рўёбга чиқиши, ўз навбатида янги, янада кенгроқ эҳтиёжлар шаклланиши учун замин бўлади, шунингдек, бу маънавий-маърифий жараён маълум даражада жамиятда ва инсонларни, ёшларни ижтимоий-сиёсий фаолиятга, уларнинг эътиқоди, ғояси ва мафкурасига ҳам сезиларли таъсир ўтказди.

Диссертацияда мана шу хусусиятлар ҳисобга олиниб, республика журналлардан бирида, масалан, «Мулоқот» ёки «Тафаккур» журнали саҳифаларида «Ижтимоий эҳтиёж, манфаат ва мафкура» рукнини ташкил этиш ҳамда унда эҳтиёж, манфаат турлари, унинг кишиларимиз дунёқараши ва жамиятимиз ҳаётидаги ўрни масалалари мунтазам ёритилиб борилиши мақсадга мувофиқ деб қаралган.

Шунингдек, диссертацияда эркин шахс тарбияси ва комил инсон ғоясининг юзага чиқишида оқилона эҳтиёж ҳамда манфаатларнинг ўзаро муштарақлигини ёритиш билан боғлиқ масалар атрофлича таҳлил этилар экан, унга доир диссертантнинг фикр-мулоҳазалари, аниқ таклифлари ҳам баён этилган. Маълумки, комилликка интилиш, инсон руҳий эҳтиёжларини қай даражада мукаммал ҳис қила олиш, ўз навбатида, моддий-руҳий эҳтиёжларни чегара билмас кенгликларда ақл билан иш тутиш асосида энг муҳимларини, яъни оқилона эҳтиёжларни танлаб олиш ҳамда уни қондиришга ҳаракат қилиш ҳар бир ақли расо кишининг муҳим вазифаси эканлиги яққол кўзга ташланади. Шунга кўра комил инсон ғоясини рўёбга чиқариш омиллари сифатида

диссертант қуйидаги таклифларни таълим-тарбия жараёнида ва ижтимоий амалиётда қўллаш мумкин деб ҳисоблайди:

- кишиларимиз руҳиятига фаол таъсир этадиган миллий менталитетимиз билан узвий алоқадор халқ удумлари, тамойиллари, анъаналарини янада ривожлантириш, бунда маҳалла «Хайрия» жамғармалари, ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла қўмиталари, шаҳарча, қишлоқ, овуллардаги маҳаллалар фаоллигини таъминлаш зарур;

- эркин, мустақил тафаккурга эга бўлган шахс тарбиясини рўёбга чиқаришда уни фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидан сақлашда, унда фуқаролик масъулиятини оширишда бурч тушунчасини улар онги ва қалбига сингдириш, эҳтиёжни ва манфаатни англаш ҳамда миллий ғоя ва мафкурамизга эътиқод қўйиш ҳам бош омил эканлигини инobatга олиб, узлуксиз таълим тизимининг барча турида «Фуқаролик масъулияти ва шахс тарбияси» факультатив машғулотли киритилса, айти муддао бўлур эди.

Ижтимоий ҳаёт ўртага қўяётган муаммолар ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва юксак маънавиятли инсон шахсини шакллантиришни талаб этапти. Мана шу талабдан келиб чиқиб, диссертацияда илмий интеллектуал салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёж масаласи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қўйилган масалалар доирасида илмий тадқиқ этилди ҳамда мазкур масалада диссертантнинг қуйидаги хулоса ва тавсиялари ишлаб чиқилди:

- ҳар бир шахс ижтимоий жараёнларни ўзида мужассам этувчи куч сифатида маънавий, маданий, маърифий эҳтиёжлар ва миллий манфаатларни теран англай биладиган, миллий истиқлол ғояси ва жамиятимиз мафкурасини онги ва қалбига сингдира оладиган янгича тафаккурга эга бўлган инсон сифатида шаклланмоғи учун таълим миллий моделида белгиланган барча маънавий-маърифий жараёнларда нафақат назарий услубда, балки халқ амалий педагогикаси услубида ҳам амалга оширилиши керак;

- таълим ва тарбия жараёнида, ижтимоий-маънавий тизим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, қолаверса жамиятдаги тўлақонли ахборот макони орқали у аниқ ва оқилона йўналтирилган мафкуравий кадриятлар, меъёр ва талабларни ўзлаштиришга, унда эҳтиёж, манфаат, миллий ғоя ва жамият мафкурасининг ўзаро уйғунлиги тамойилига алоҳида эътибор бермоқ зарур;

- мафкура, одамларнинг муштарак манфаатларини бирлаштирадиган ғоявий яхлитлик бўлганлиги боис, уни жамиятимиз кишилари онги-шуурига сингдириш учун барча тарғибот ва ташвиқот воситалари, телерадиокомпаниялар орқали «Миллий ғоя - ҳаётий эҳтиёж», «Миллий ғоя – менинг ғоям» мавзусида туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш мумкин.

Хусусан, диссертациянинг сўнгги тўртинчи бобида миллий ва умуминсоний кадриятлар, уларнинг ғоя, мафкура эҳтиёж ҳамда манфаатлар билан алоқадорлиги таҳлилига бағишланган бўлиб, тадқиқот давомида тўпланган илмий фактик материаллар ва манбаларни ҳар томонлама ўрганиш асосида, диссертант, ушбу боб юзасидан ҳам ўзининг илмий хулосалари, таклиф ва тавсияларини баён қилган. Аввало, тадқиқотда кадриятлар таснифи, унинг ғоя ҳамда мафкура билан алоқадорлиги масаласи ўрганилиб, ғоя ва

мафкуралар ҳам миллат ижтимоий тараққиётининг асоси бўлганлиги боис, уни давр руҳига ҳамоҳанг тарзда аҳоли қатламларининг ёш хусусиятлари, касб-кори интилишларидан келиб чиқиб ўрганиш, кишилар онги ва қалбига мунтазам сингдириб бориш зарур деган хулосага келинган.

Ихлос эса – ҳар бир ғоя, тушунча билимнинг эътиқодга айланишида ўзига хос босқич ҳисобланади. Шунга кўра ихлос ва ихлосмандликнинг миллий ва ижтимоий эҳтиёжларни такомиллаштиришдаги аҳамиятини юксалтириш учун қуйидагиларни кишиларнинг турмуш тарзи ҳамда жамият ҳаётига мунтазам тадбиқ эта бориш мақсадга мувофиқдир:

- жамиятимиз ҳар бир аъзосини миллий истиқлол ғояси ва мафкураси асосий тамойилларининг ҳалқимиз азалий қадриятлари, аждодларимиз даҳоси билан боғлиқ эканлигини чуқур англаган ҳолда уни инсонпарварлик, миллат-парварлик хусусиятларига мустаҳкам эътиқод ва ихлос билан қарашга ўргатиш;

- ихлос ва ихлосмандлик тушунчаларини кишиларимиз эъзозлайдиган қадриятлар даражасига кўтариш учун барча ижтимоий фанлар таркибига ушбу тушунча билан боғлиқ муаммоларни атрофлича ўрганишга доир мавзуларни киритиш;

- ёшларда ўтмиш қадриятларини эъзозлаш ва замонавийлик мезонларни юриш-туришда, кийинишда, муомала маданиятида аниқ-равшан билиб олишларига ёрдам берадиган оммавий маданий тадбирлар ўтказишни йўлга қўйишда, аждодларимиз меросига ихлос ва ихлосмандликни такомиллаштиришда ташкилот ва муассасалар, ўқув юртларидаги хотин-қизлар қўмиталари, бирлашган касаба уюшма қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллиги оширилиши даркор;

- шунингдек, ушбу масалада миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларининг моҳияти - мазмуни, фалсафий негизи ва тарихий илдизларини тўғри тушунадиган, англайдиган, фаол зиёлилар билан бирга барча маънавий-маданий тадбирларни амалга оширувчи мутахассислар бу борада етакчилик қилишлари лозим.

Имон-эътиқод, диёнат, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини такомиллаштириш эҳтиёж ҳамда манфаатларни шакллантиришнинг ҳақиқий маънавий омилига айланиши учун қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- аввало, мактабгача тарбия масканлари, болалар боғчаларида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларида ҳалқ оғзаки ижоди, эртак ва ривоятлар асосида таълимнинг барча дидактик услубларидан фойдаланиб, болалар онги ва шуури ҳамда қалбига имон, эътиқод, диёнат каби ҳислат ва миллий фазилатларни сингдириш;

- узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини бўлган умумий ўрта таълим тизими мактабларида «Одобнома» дарсларини, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчилари ва олий таълим талабалари учун ўтиладиган «Миллий ғоя ва маънавият асослари» «Маънавият асослари», «Миллий истиқлол ғояси» фани юзасидан олиб бориладиган маъруза ва амалий машғулотларда имон-эътиқод тушунчаларининг диний, илмий ҳамда амалий мазмунини ўқувчилар онги ва қалбига мунтазам ишончли далиллар асосида сингдириб бориш зарур;

- ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашни, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасига садоқатни, миллат, жамият ва давлат манфаатларини ўз шахсий манфаатидан устун қўя олиш ижобий хислатларини тарбиялаш учун маълум муҳит ҳам зарур.

Ана шундай муҳитни яратиш учун ижтимоий ва сиёсий институтлар - давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи жамғармалар фаолияти ва имкониятларидан жойларда мақсадга мувофиқ фойдаланишни йўлга қўйиш, ушбу масалаларнинг ечимини топишнинг энг мақбул йўли ҳисобланади;

- энг муҳими, тарбиячи ва педагогларни ўзининг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш, улар учун таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда дифференциаллашган педагогик-психологик дастурларни яратиш керак;

- таълим муассасаларида яратилган ўқув қўлланмалардан тортиб, синфлар ва аудиторияларнинг барчасини миллий ғоя ва жамият мафқурасидан таълим берувчи, ёшларда манфаат ҳамда оқилона эҳтиёжни шакллантиришга хизмат қилувчи рекламалар билан қуроллантириш мақсадга мувофиқдир;

- ёшларда соғлом дунёқараш ва илмга иштиёкни ҳар томонлама қўллаб қувватлашда ҳомийлик ва васийлик ташкилотлари имкониятларидан тўла фойдаланиш ва шу орқали жамият кенг қатламлари вакиллари таълим-тарбияни такомиллаштириш ишига сафарбар этиш зарур;

- дунёвий илмларни мукаммал билиш дахрийлик белгиси эмаслигини ҳар бир ёшнинг теран англаб етиши, муқаддас ислом динимизнинг имон-эътиқодга, инсоф-диёнатга чорловчи маънавий-маърифий манбааларидан ёшларни тўла баҳраманд қилишга эришиши билан бир вақтда диний ақидапарастликнинг зарарли ғоялари моҳиятини том маънодаги ислом ва шариат талабларига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини мунтазам тизимли асосда тушунтириб бориш даркор.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Монография, рисоалар

1. Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги: Монография. –Тошкент, Янги аср авлоди нашриёти, 2003. –Б. 140.
2. Мухторов А., Саифназаров И., Қосимов Б. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги терроризмга қарши кафолатдир: Рисола. –Тошкент, Янги аср авлоди нашриёти, 2004. –Б. 40.
3. Мухторов А., Раҳимбобоева Н. Аҳмад ал-Фарғоний. Рисола. –Тошкент, ТДИУ, 2007. –Б. 40.
4. Мухторов А., Каримов Т. Имом ал-Бухорийнинг маънавий-маърифий ва фалсафий қарашлари. Рисола. –Тошкент, ТДИУ, 2007. –Б. 29.
5. Алиев Б., Мухторов А., Бобоев А., Султонов Т. Мамлакатни модернизациялаш, демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш – муҳим устувор вазифа: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо

этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент, Иқтисодиёт, 2010. –Б. 39-54.

6. Маҳмудов Н., Мухторов А., Султонов Т. Тинч-осуда ҳаёт, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳити – Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори: Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. ЎзР ОЎМТВ. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. –Б. 41-57.
7. Холмўминов Ш., Мухторов А., Султонов Т. Хушёрликка даъват: ўз уйингни ўзинг асра! Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. ЎзР ОЎМТВ. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. –Б. 137-141.

2. Журнал мақолалари

8. Мухторов А. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўзбек оиласининг ўрни // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 1999. -№8. –Б. 22-28.
9. Мухторов А. Соғлом авлод ва маънавий камолот //Фан ва турмуш. –Тошкент, 2000. -№2. –Б. 1-2.
10. Мухторов А., Тўраев Ж. Иқтисодий эркинлик: афзаллик ва тўсиқлар //Фан ва турмуш. –Тошкент, 2002. -№5-6. –Б. 2-4.
11. Мухторов А. Эҳтиёж ва манфаат //Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2003. -№1. –Б. 19-21.
12. Мухторов А. Миллий истиқлол ғоясининг маънавий омиллари ва шахс тарбияси //Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. –Тошкент, 2004. -№1. –Б. 34-39.
13. Мухторов А. Эҳтиёж ва манфаат //Мулоқот. –Тошкент, 2004. -№1. –Б. 12-13.
14. Мухторов А. Таълимнинг миллий модели ҳақида мулоҳазалар //Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2005. -№1. –Б. 58-59.
15. Мухторов А. Демократия, сиёсат ва маънавий жараёнлар уйғунлиги //Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2005. -№3. –Б. 20-22.
16. Мухторов А. Эҳтиёж ва манфаат //Гулистон. –Тошкент, 2005. -№4. –Б. 28-29.
17. Мухторов А. Аҳил оилада //Соғлом авлод учун. –Тошкент, 2005. - №5. –Б. 14- 17.
18. Мухторов А. Сиёсий ва маънавий жараёнларнинг уйғунлиги //Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2005. - №3.–Б. 20-21.
19. Мухторов А. Эҳтиёж ва манфаатларнинг миллий мафкура билан уйғунлиги //Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2006. - №1. –Б. 14-17.
20. Мухторов А. Миллий мафкура ва кадриятлар //Жамият ва бошқарув. –Тошкент, 2006. - №3. –Б. 16-18.
21. Мухторов А. Шахс тарбияси ва комил инсон ғояси //Ҳуқуқ ва бурч.–Тошкент, 2006. - №2. –Б. 17-18.
22. Мухторов А. Маънавий камолот – ижтимоий эҳтиёж ва манфаат //Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахборот. –Тошкент, 2006. - №3. –Б. 43-45.

23. Мухторов А. Маънавий ворислик // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2006. - №10-12. – Б. 70.
24. Мухторов А. Қадриятлар тизимида ғоя ва мафкура // Самарқанд Давлат университети Ахборотномаси. – Самарқанд, 2006. - №4. – Б. 12-14.
25. Мухторов А. Миллий тафаккур тараққиёти ва ҳозирги замон // Ижтимоий фикр ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2007. - №1. – Б. 161-165.
26. Мухторов А. Идеология национальной независимости и высокая духовность узбекского народа // Вопросы гуманитарных наук. – Москва, 2007. - №4(31). – С.54-56.
27. Мухторов А. Демократическое преобразования в Узбекистане и духовная жизнь узбекского народа // Вопросы гуманитарных наук. – Москва, 2007. - №4(31). – С. 279-281.
28. Мухторов А. Иқтисодий тараққиёт ва маънавий баркамоллик // Дунёвийлик ва ижтимоийлик (Тўплам). – Тошкент, Чўлпон, 2007. – Б. 75-90.
29. Мухторов А. Маънавият ва миллий қадриятлар уйғунлиги // Дунёвийлик фалсафаси (Тўплам). – Тошкент, «Хилол Медия», 2007. – Б. 148-151.
30. Мухторов А. Миллий ғоя – миллат хавфсизлигини таъминлашнинг асоси // Дунёвийлик ва ижтимоийлик (Тўплам). – Тошкент, Чўлпон, 2008. – Б. 67-75.
31. Мухторов А. Демократические преобразования в Узбекистане и духовная жизнь узбекского народа // «Beth Gavriel» журна. - АҚШ, Нью-Йорк, 2009. - №96. – С. 25.
32. Мухторов А. Қадриятлар тизимини қарор топтиришда юксак маънавиятли шахс жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучидир // Ўлмас қадриятлар, «ADIB», – Тошкент, 2009. – Б. 8-22.
33. Мухторов А. The place of values of high spirituality in life of modern Uzbekistan // «Beth Gavriel» журна. - АҚШ, Нью-Йорк, 2011. - №113. – С.28.
34. Мухторов А. Some aspects of the formulation of high spirituality in life of modern Uzbekistan // «Avicenna» журна. - Германия, 2011. - №3. – С.31.

3. Конференция материаллари

35. Мухторов А. Маданият ва инсон омили // ТДИУ Илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1997. – Б. 204-207.
36. Мухторов А. Юксак маънавиятли соғлом авлодни тарбиялаш мақсадимиз. // И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, – Тошкент, 2000. – Б. 105-108.
37. Мухторов А. Қадриятлар тизимида ғоя ва мафкура // ЎзМУ илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2005. – Б.58-60.
38. Мухторов А. Роль инновационный технологии «Кейс-стади» в подготовке современных специалистов в сфере высшего экономического образования // Информационно-ресурсное обеспечение высшего экономического образования в условиях модернизации экономики: опыт, результаты и перспективы: Сборник практической конференции, ТашГЭУ, 5 ноября 2009 года. – Ташкент, 2009. – С.273-275.
39. Мухторов А. Миллий тафаккур тараққиёти ва ҳозирги замон // «Ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг илмий-услубий масалалари»

номли Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Навоий, 2010. –Б. 72-76.

40. Мухторов А. Баркамол авлод – ватан истиқболи //Баркамол авлодни шакллантириш – маънавий тараққиёт омили: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ЎзМУ, 2010. –Б. 76-77.
41. Азизкулов А., Мухторов А. «Оммавий маданият» кўринишидаги маънавий таҳдидларни олдини олишнинг омиллари ва воситалари // Ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг илмий-услубий масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Навоий, 2010. –Б. 47-48.

**Фалсафа фанлари доктори илмий даражасига талабгор Азамат
Мухтаровнинг 09.00.11 - Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича
«Миллий ғоя такомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги»
мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: ғоя, миллий ғоя, мафкура, миллий мафкура, эҳтиёж, манфаат, ижтимоий эҳтиёж, миллий манфаат, мафкуравий иммунитет, мафкуравий профилактика, имон, эътиқод, диёнат, маҳалла, маҳалла муҳити, оила маънавияти.

Тадқиқот объектлари: Ҳозирги замон шароитида миллий ғоя ва мафкура билан шахс, жамият ва давлат эҳтиёж ва манфаатларининг ўзаро уйғунлиги, таъсири, қонуниятлари, қадриятлар тизимидаги алоқадорлиги.

Ишнинг мақсади. Миллий ғоя такомилида эҳтиёж ва манфаатлар бирлигини илмий тадқиқ этиш.

Тадқиқот методлари: диалектик таҳлил, илмий индукция, анологик қиёсий таққослаш, дедуктив ҳулоса чиқариш, солиштириш, кузатиш, мантикий ҳукм, анализ ва синтез, умумлаштириш каби усуллардир.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Мақсад, манфаат ва эҳтиёжларни илмий-назарий ҳамда фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали уларнинг жамиятдаги ғоявий-мафкуравий жараёнларга таъсири илмий таҳлил этилди. Эҳтиёж ва манфаатлар тизими таснифи, уларнинг бир-биридан фарқи ва миллий манфаат билан алоқадорлиги асосланди. Халқимиз манфаатларини том маънода ифода этадиган мустақиллик мафкурасини яратиш йўлидаги муаммолар кўрсатилиб, уларни ҳал этиш йўллари ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этиш зарурияти ва усуллари ўрганилиб, асосланиб берилди.

Амалий аҳамияти: ундаги таклиф ва тавсиялардан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бакалаврият, магистратура, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтида «Миллий ғоя» фанини ўқитиш, умумий ўрта таълим мактабларида ушбу фан асосларини ўрганиш, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида эҳтиёж ва манфаатлар диалектикасининг умумуслубий асосларини ўрганишда, ўқув дастурлари ишлаб чиқишда, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёшлар марказлари институти, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар каби муассасаларда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий натижалари диссертантнинг турли миқёсда ўтказилган илмий-назарий анжуман, семинарларда ва педагогик фаолияти давомида қилган маърузаларида ҳамда унинг умумий ҳажми 50 босма табакдан ортиқ, нашр қилинган ишларида ўз ифодасини топган.

Қўлланиш соҳаси: Диссертация материалларидан, эришилган натижалардан маънавий эҳтиёжидан манфаатдор бўлган, инсон тарбияси билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар, муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчи-ёшлари, ижтимоий фалсафанинг методологик муаммолари билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Р Е З Ю М Е

диссертации Мухтарова Азамата на тему: “Единство потребностей и интересов в дальнейшем развитии и совершенствовании национальной идеи” на соискание ученой степени доктора философских наук по специальности 09.00.01 – «Социальная философия»

Ключевые слова: идея, национальная идея, идеология, национальная идеология, потребности, интересы, социальные потребности, идеологический иммунитет, идеологическая профилактика, вера, убеждение, добросовестность, махалля, махаллинская среда, семейная духовность.

Объекты исследования: Взаимосвязь национальной идеи и идеологии в современных условиях, гармоничность общественных, государственных и личных потребностей и интересов, их взаимовлияние, взаимосвязь систем закономерностей и ценностей.

Цель исследования: Научное исследование единства потребностей и интересов в дальнейшем развитии и совершенствовании национальной идеи.

Методы исследования: В работе были использованы методы диалектического анализа, научной индукции, аналогического сравнительного анализа, дедуктивных выводов, сравнения, наблюдения, логическое суждение, анализа и синтеза, обобщения.

Полученные результаты и их новизна: Путем исследования научно-теоретического и философского точек зрения целей, интересов и потребностей проведен научный анализ их воздействия на идейно-идеологические процессы в современном обществе. Обоснована классификация системы потребностей и интересов, их отличие и взаимосвязь с национальными интересами. Исследованы отдельные проблемы, имеющиеся и возникающие в процессе формирования идеологии независимости, пути их решения, обоснована необходимость их внедрения в жизнь.

Практическая значимость: Предложения и рекомендации, разработанные в диссертации, следует широко использовать в процессе обучения в бакалавриате, магистратуре и аспирантуре высших и средних специальных учебных заведений в ходе преподавания дисциплины «Национальная идея», в изучении основ этого предмета в общеобразовательных школах, академических лицеях, профессиональных колледжах, а также в процессе обучения общеметодологических основ диалектики потребностей и интересов, в разработке учебных программ, в организации и проведении различных мероприятий по духовно-просветительской тематике такими государственными и общественными организациями и учреждениями, как общественное движение молодежи «Камолот», Институт центров молодежи, а также иными заинтересованными учреждениями и организациями, занимающимися воспитанием молодежи.

Степень внедрения и их экономическая эффективность: Основные результаты исследования нашли свое отражение в публикациях в объеме более 50 п.л., докладах и выступлениях в различных научно-теоретических конференциях, семинарах, проведенных в различных масштабах, а также в процессе преподавательско-педагогической деятельности диссертанта.

Область применения: Материалы диссертации и полученные ее результаты могут быть использованы в ходе учебно-воспитательской деятельности ответственных организаций, учреждений, занимающихся вопросами воспитания человека, особенности молодежи, студентами и учащимися высших и средних специальных учебных заведений, школ, интересующимися методологическими проблемами и вопросами социальной философии.

R E S U M E

Thesis of Mukhtarov Azamat on the scientific degree competition of the Doctor of philosophy on specialty 09.00.11 – Social Philosophy on the theme: “Unity of needs and interests in the further development and perfection of national idea”

Key words: idea, national idea, ideology, national ideology, needs, interests, social needs, ideological immunity, ideological prophylactics, belief, conviction, conscientiousness, makhalla, makhalla environment, family spirituality.

Subjects of research: interrelation of national idea and ideology in modern conditions, harmonicity of public, state and personal needs and interests, their interference, interrelation of systems of laws and values.

Purpose of the work: scientific research of unity of needs and interests in the further development and perfection of national idea.

Methods of research: In this work the methods of the dialectic analysis, scientific induction, analogical comparative analysis, deductive conclusions, comparison, supervision, logic judgement, analysis and synthesis, generalization were used.

The results achieved and their novelty: By means of research of the scientific-theoretical and philosophical points of view of purposes, interests and needs the scientific analysis of their influence on idea-ideological processes in modern society was carried out. The classification of system of needs and interests, their difference and interrelation with national interests was proved. The certain problems available and being arisen during formation of ideology of independence, ways of their decision were investigated, the necessity of their introduction into life was proved.

Practical value: The proposals and recommendations developed in the dissertation are necessary to use widely during training in undergraduate, graduate and postgraduate courses of higher and secondary specialized educational institutions for teaching such disciplines as “National idea”, in study of bases of this subject in comprehensive schools, academic liceys, professional colleges, and also learning the general bases of dialectics of needs and interests, in development of educational programs, organization and realization of various arrangements on spiritual-educational topics by such state and public organizations and establishments, as public movement of young people “Kamolot”, Institute of centers of young people, and also other interested establishments and organizations engaged in education of young people.

Degree of embed and economic effectivity: the basic results of research are reflected in the publications in volume more than 50 printed pages, reports and speeches in various scientific-theoretical conferences, seminars which have been held in various scales, and also during teaching-pedagogical activity of researcher.

Field of application: the materials of the dissertation and its received results can be used during teaching-educational activity of responsible organizations, establishments engaged in education of human, feature of young people, students and pupils of higher and secondary specialized educational institutions, schools interested in methodological problems and issues of social philosophy.

Босишга рухсат этилди: 11.11.2011й.
Шартли босма табоғи 2,3. Бичими 60x80 ¹/₁₆.
Адади 100. Буюртма №32.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
босмахонасида чоп этилди.
100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй.

